

БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ
ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И

2022 йил июль ойининг 13 куни, Бухоро вилоят суди, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, апелляция инстанциясида, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконферецалоқа режими орқали,

Раислик қилувчи: Ш.Қувватов,

Ҳайъат аъзолари: Ш.Тўхтаев ва З.Қурбоновлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Бозоровнинг котиблигида, тарафлардан Бухоро вилоят прокуратураси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими катта прокурори Н.Қўлдошев, судланувчилар К.Хайдаров, А.Нуруллаев, Р.Шаропов ва уларнинг ҳимоячилари, адвокатлар М.Камалов, Р.Садуллаев, О.Элбековлар иштирокида, жиноят ишлари бўйича Бухоро туман судининг 2022 йил 26 январдаги ҳукмига нисбатан судланувчи А.Нуруллаев, унинг адвокати Р.Садуллаев, судланувчи К.Хайдаров, унинг адвокати М.Камалов, судланувчи Р.Шаропов ва унинг адвокати О.Элбековлар томонидан келтирилган шикоятни жиноят иши билан биргаликда апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Бухоро туман судининг 2022 йил 26 январдаги ҳукмига кўра

1980 йил 27 январда Қизилтепа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Бухоро вилоят ИИБ ҳуқуқий статистика ва тезкор ҳисоб маълумотлар бўлими катта мутахассиси, лавозимида ишлайди, Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, “Тавоис” МФЙ, “Ғойибон” кўчаси, 45-уйда рўйхатда туриб, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 15-уй, 19-хонада яшовчи, эҳтиёт чораси сифатида гаров қўлланган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхаларини ўз вақтида олган

Хайдаров Камариддин Кудратович (Haydarov Kamariddin Kudratovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-



қисми “а,в,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 2 йил муддатга ИИБ тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ ишларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, баъзавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида, яъни 22.300.000 сўм жарима жазосига судланган.

1978 йил 3 августда Бухоро шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, 2021 йил 26 февралдан нафақада, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Амир Темур кўчаси, 7-уй, 33-хонада яшовчи, эҳтиёт чораси сифатида гаров қўлланган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхаларини ўз вақтида олган

Шаропов Рустам Амонович (Sharopov Rustam Amonovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинган.

1990 йил 27 декабрда Когон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, 17-сонли ЖИЭКда катта навбатчи бўлиб ишлайди, Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Маданият 10-кўча, 1-уйда яшовчи, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат қўлланган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхаларини ўз вақтида олган

Нуруллаев Анвар Одилович (Nurullayev Anvar Odilovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди ва 28,209-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинган.

Суд ҳукмига кўра, судланувчи К.Хайдаров 2017 йил 7 августдан

2021 йил 25 мартга қадар Бухоро вилоят ИИБ II ва ЖИЭБга қарашли Когон шаҳридаги 20-сонли ЖИЭК раҳбари лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, ўзининг умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга, яъни Когон шаҳридаги 20-сонли ЖИЭКга ажратилган маблағларни ўзлаштиришга йўналтирилган, бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган жиноий ҳаракатларини амалга ошириш учун бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда колониянинг таъминот бўлими бошлиғи А.Нуруллаевга колонияда жазони ўтаётган маҳбусларга бериладиган сабзаёт маҳсулотларини олган меъёрдан кам миқдорда бериш орқали иқтисод



қилиш тўғрисида топшириқ бериб, бу орқали колониянинг ички омборида сунъий равишда ортиқча ҳосил бўлган сабзаёт маҳсулотларини гўёки таъминотчи корхоналар томонидан ташқи омборга етказилган маҳсулотни ички омборга олиб кирилган сифатида юк хати ва “книга приходов и расходов по овощному складу” китобига сохта ёзувлар киритиш тўғрисида колониянинг таъминот бўлими бошлиғи А.Нуруллаев ва ишнинг унга нисбатан қисми дастлабки терговда тугатилган колониянинг экспедиторига топшириқ бериб, унинг топшириғи асосида колониянинг таъминот бўлими бошлиғи А.Нуруллаев маҳбусларга бериладиган сабзаёт маҳсулотларини белгиланган меъёрдан кам миқдорда бериш орқали 2019-2020 йиллар оралиғида 37.650.400 сўмлик сабзаёт маҳсулотларини иқтисод қилишга эришиб, К.Хайдаров, Р.Шаропов ва А.Нуруллаевларнинг кўрсатмаси асосида колониянинг омбор мудири А.Латипов, ошхона мудири У.Зокиров, ишнинг унга нисбатан қисми дастлабки терговда тугатилган колония экспедитори томонидан гўёки колония ҳудудига сабзаёт маҳсулотлари олиб кирилганлиги тўғрисида 16.08.2019 йилда 623-сонли, 27.09.2019 йилда 748-сонли, 23.12.2019 йилда 974-сонли, 26.07.2019 йилда 559-сонли, 23.10.2019 йилда 813-сонли, 11.09.2019 йилда 700-сонли, 02.09.2020 йилда 658-сонли, 06.07.2020 йилда 496-сонли, 15.04.2020 йилда 279-сонли, 02.06.2020 йилда 400-сонли, 03.07.2020 йилда 499-сонли сохта юк хатлари тайёрлаб, унга 37.650.400 сўмлик сабзаёт ва озиқ-овқат маҳсулотлари ички омборга олиб кирилганлиги тўғрисида сохта ёзувлар киритиб, аслида таъминотчи корхоналар томонидан етказилган 37.650.400 сўмлик маҳсулотни колонияга олиб кирмасдан, уларни ўз эҳтиёжи учун ишлатган ҳолда колонияга олиб келинмаган сабзаёт маҳсулотларини маҳкумларга берилганлиги ҳақида 2019-2020 йиллар давомида тўлдирилган таомнома асосида чиқимга чиқарган ҳамда колониянинг ташқи ҳудуд коменданти Ҳ.Асатуллаев ва ишнинг уларга нисбатан қисми дастлабки терговда тугатилган ҳайдовчилар билан жиноий тил бириктириб, 2018-2020 йилларда 20-сонли ЖИЭКга тегишли бўлган “Isuzu” русумли давлат рақам белгиси 80 433 VSF, “ЗИЛ-130” русумли давлат рақам белгиси 80 141 VSF, “ГАЗ-52” русумли давлат рақам белгиси 80 139 VSF бўлган автомашиналарга спидометр кўрсаткичларини олдинга айлантириш учун мўлжалланган махсус қўлбола қурилмалар ўрнатиб, мазкур қурилмалардан фойдаланиб ҳамда йўл варақаларига босиб ўтилмаган йўл масофаларини сохталаштирган ҳолда қўшиб ёзиш орқали ҳисоботлардан асоссиз равишда чиқим қилиниши натижасида 54.598.000



сўмлик 9748 литр ёнилғи маҳсулотларини жами 92.248.400 сўмлик маҳсулотларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ва мансаб сохтакорлиги жиноятларини содир қилганликда айбланган.

Судланувчи Р.Шаропов 2017 йил 17 ноябрдан 2021 йил 30 апрелга қадар Бухоро вилоят ИИБ П ва ЖИЭБга қарашли Когон шахридаги 20-сонли колония бошлиғининг умумий масалалар бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, ўзининг умумий қасд билан камраб олинган ва ягона мақсадга, яъни Когон шахридаги 20-сонли ЖИЭКга ажратилган маблағларни ўзлаштиришга йўналтирилган, бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган жиноий ҳаракатларини амалга ошириш учун бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, мансаб мавқеини суистеъмол қилган ҳолда колониянинг таъминот бўлими бошлиғи А.Нуруллаев томонидан маҳбусларга бериладиган сабзавот маҳсулотларини белгиланган меъёрдан кам миқдорда бериш орқали 2019-2020 йиллар оралиғида 13.378.500 сўмлик иқтисод қилинган сабзавот маҳсулотларини ўзига берилган ваколатлардан ноқонуний фойдаланиб, К.Хайдаров, А.Нуруллаевлар билан биргаликда колониянинг омбор мудирини А.Латипов, ошхона мудирини У.Зокиров, ишнинг унга нисбатан қисми дастлабки терговда тугатилган колония экспедиторига гўёки колония ҳудудига сабзавот маҳсулотлари олиб кирилганлиги тўғрисида 27.09.2019 йилда 748-сонли, 23.10.2019 йилда 813-сонли, 11.09.2019 йилда 700-сонли, 06.07.2020 йилда 496-сонли, 02.06.2020 йилда 400-сонли сохта юк хатлари тайёрлаш ҳақида топшириқ бериб, улар билан бирга сохта юк хатларига 13.378.500 сўмлик сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари ички омборга олиб кирилганлиги тўғрисида сохта ёзувлар киритиб, аслида таъминотчи корхоналар томонидан етказилган маҳсулотни колонияга олиб кирмасдан, уларни ўз эҳтиёжи учун ишлатган ҳолда колонияга олиб келинмаган 13.378.500 сўмлик сабзавот маҳсулотларини маҳкумларга берилганлиги ҳақида 2019-2020 йиллар давомида тўлдирилган таомнома асосида чиқимга чиқариб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ва мансаб сохтакорлиги жиноятларини содир қилганликда айбланган.

Судланувчи Нуруллаев Анвар Одидович 2018 йил 14 декабрдан Бухоро вилоят ИИБ П ва ЖИЭБга қарашли Когон шахридаги 20-сонли колония хўжалик ва моддий-таъминот бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келиб, умумий қасд билан камраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари



билан ғаразли ва паст мақсадларда, ўзининг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани талон-торож қилиш учун бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жинойи тил бириктириб, колонияда жазони ўтаётган маҳбусларга бериладиган сабзавот маҳсулотларини белгиланган меъёрдан кам миқдорда бериш орқали 2019-2020 йиллар оралиғида 37.650.400 сўмлик сабзавот маҳсулотларини иқтисод қилиб, К.Хайдаров, Р.Шароповларнинг топшириғи асосида гўёки колония ҳудудига сабзавот маҳсулотлари олиб кирилганлиги тўғрисида 16.08.2019 йилда 623-сонли, 27.09.2019 йилда 748-сонли, 23.12.2019 йилда 974-сонли, 26.07.2019 йилда 559-сонли, 23.10.2019 йилда 813-сонли, 11.09.2019 йилда 700-сонли, 02.09.2020 йилда 658-сонли, 06.07.2020 йилда 496-сонли, 15.04.2020 йилда 279-сонли, 02.06.2020 йилда 400-сонли, 03.07.2020 йилда 499-сонли сохта юк хатлари тайёрлаш тўғрисида колониянинг омбор мудири А.Латипов, ошхона мудири У.Зокиров, ишнинг унга нисбатан қисми дастлабки терговда тугатилган колония экспедиторига топшириқ бериб, ушбу юк хатлари ва “книга приходов и расходов по овощному складу” китобига 37.650.400 сўмлик сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари ички омборга олиб кирилганлиги тўғрисида сохта ёзувлар киритиб, аслида таъминотчи корхоналар томонидан етказилган маҳсулотни колонияга олиб кирмасдан, уларни ўз эҳтиёжи учун ишлатган ҳолда колонияга олиб келинмаган 37.650.400 сўмлик сабзавот маҳсулотларини маҳкумларга берилганлиги ҳақида 2019-2020 йиллар давомида тўлдирилган таомнома асосида чиқимга чиқариб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ва мансаб сохтакорлигида иштирокчилик қилиш жиноятларини содир қилганликда айбланган.

Мазкур ҳукм билан судланувчилар А.Латипов, У.Зокиров, Ҳ.Асатуллаевлар ҳам жавобгарликка тортилган бўлиб, шикоят ёки протест келтирилмаганлиги сабабли ишнинг уларга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Судланувчи К.Хайдаров ва унинг ҳимоячиси М.Камалов шикоятда унинг айбсизлиги ҳақида важлар келтириб, ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни ҳамда ЖПКнинг 417-моддаси тартибида ажрим чиқариш орқали жавобгарликдан четда қолиб кетган шахсларга нисбатан тегишли муносабат билдиришни сўраганлар.

Судланувчи А.Нуруллаев ва унинг ҳимоячиси Р.Садуллаев шикоятда унинг асоссиз равишда жавобгарликка тортилганлиги ҳақида важлар келтириб, жиноят ишининг унга нисбатан қисмини тугатиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраганлар.



Судланувчи Р.Шаропов суд ҳукми билан айби исботланмасдан туриб, асоссиз равишда жавобгарликка тортилганлиги ҳақида важлар келтириб, ҳукмнинг унга оид қисмини ҳаракатдан тугатиб, уни оқлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, апелляция шикоятни юзасидан судья Ш.Кувватовнинг маърузасини, давлат айбловчиси Н.Қўлдошевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрини, судланувчилар К.Хайдаров, А.Нуруллаев ва Р.Шаропов ҳамда уларнинг адвокатлари М.Камалов, Р.Садуллаев, О.Элбековларнинг келтирилган шикоятларни қаноатлантириш ҳақидаги музокараларини эшитиб, судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни шикоят билан биргаликда ўрганиб чиқиб, шикоятларни қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган судланувчи К.Хайдаров, дастлабки тергов ва биринчи босқич судидаги кўрсатувларини тўлиқ қўллаб қувватлашини, 2017 йил Когон шаҳрида жойлашган 20-ЖИЭКка раҳбар сифатида келганлигини, тахминан 4 йил давомида ушбу муассасада раҳбар бўлиб ишлаганлигини, экспедитор лавозимида ишлаб келган О.Шаропов 2020 йил 1 майдан нафақага чиқарилганлигини, у номаълум бўлган сабабларга кўра юқори турувчи ташкилотларга шикоят қила бошлаганлигини, унинг мурожаатлари ўз исботини топмасдан келиб, туман прокуратураси томонидан жиноят ишини кўзғатиш рад қилинганлигини, кейинчалик бу қарор бекор қилиниб, ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилиб, тафтиш тайинланганлигини, колония ташқарисида марказий омборхона бўлиб, барча товар-маҳсулотлар озиқ ва ноозиқ маҳсулотлар ўша ерга сақланишини, ички ҳудудда ҳам омбор мавжуд бўлиб, унда озиқ-овқат, яъни картошка, пиёз ва бошқа турдаги полиз маҳсулотлари сақланишини, О.Шаропов ишга келмасдан илгари ҳам экспедитор сифатида ишлаб келиб, ички омбор ишларини юритганлигини, текширув жараёнида марказий омборга маҳсулотлар тўлиқ келганлигини, текширув давомида муассасага киришни қўриқловчи ҳарбий қоровул қўшинларидаги юк хатлари билан колониядаги ҳужжатлар ўртасида фарқ аниқланганлигини, аслида айбловда қўйилган маҳсулотлар марказий омборга тўлиқ олиб келинганлигини, тафовут бўлган 11 та юк хатининг 5 тасига у, 5 тасига ўринбосари ва 1 тасига тезкор қидирув бўйича ўринбосар имзо қўйганлигини, уларга нисбатан асоссиз вишда айбловларни қўйганликларини, аммо ушбу



маҳсулотларни топшириш қабул қилиш далолатномаларига имзо қўйган ва қирим-чиқим қилиб ҳисоботларини юритган О.Шаропов ва бош ҳисобчининг ҳаракатлари ноъмалум сабабга кўра ЖПК 83-моддаси тартибида тугатилганлигини, ёнилғи мойлаш масалалари билан шуғулланиш вазифаси ички буйруққа асосан Ҳ.Асатуллаевга юклатилган бўлиб, у 2018 йил охиридан бошлаб юритиб келганлигини, дастлаб текширувчилар томонидан ҳужжатларда камчилик аниқланмаганлигини, кейинчалик 5 та ҳайдовчи алоҳида чақирилиб, улардан ариза олинди, уларнинг иштирокларисиз кечки пайт машиналарни текшириб, номаълум механизм чиққанлигини билдириб, аммо буни улардан яшириб, 2020 йил 25 декабр куни кечки пайт тушунтириш хатларини олиб, уларнинг аризаси асосида нефт база ходими қайта текшириб, камчилик чиққанлиги айтилганлигини, прокуратура топшириғи билан у ишлаган давргача бўлган, яъни 2016-2017 йиллар давомидаги ёнилғи сарфи текширилиб, бу давр учун ҳам 33 млн. сўмлик камчилик аниқланганлигини, лекин негадир бу ҳолат ўз ўзидан ёпилиб кетганлигини, километрларни ҳисоблашда ҳам бу икки даврлар учун турли ўлчовлар олинганлигини, 2016-2017 йиллар учун 32 км ҳисобланса, бу даврда 15 км деб ҳисобга олинганлигини, ҳайдовчиларнинг ҳаракатлари улардан ариза олинган ҳолатда гўёки зарарни тўлаганлиги важи билан уларни иши ёпилиб кетганлигини, аммо тергов органининг босими билан зарарларни ўзлари тўлаб берганликларини, ҳайдовчилар ёки бош ҳисобчи ёхуд О.Шароповлар томонидан 1 сўм ҳам тўланмаганлигини, тергов органи томонидан уларга тил бириктириб жиноят содир қилганлик юзасидан айблов нотўғри эканлигини, агар улар тил бириктирганиларида барча юк хатларига ўзи имзо қўйган бўлишини, у ишлаган даврда колонияда 100-150 тагача маҳбуслар сақланиб келинганлигини, уларнинг колонияси сил касаллиги бўлган маҳбусларни даволаш учун мўлжалланган колония бўлиб, бундай колония республикада 2 тани ташкил қилганлигини, асосий катта колония Тошкентда жойлашганлигини, уларнинг колониялари белгилаган тартибда маҳбусларни даволашга мўлжалланганлигини, маҳбуслар сони 150 тадан ошмаганлигини, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнома билан шуғулланувчи бухгалтериядан битта ҳисобчи ажратилган бўлиб, у даволаш ва профилактика ишлари бўйича бошлиқ ўринбосари Жумаев Бобирнинг касал маҳбуслар сони бўйича билдиргисини, махсус бўлимдан умумий маҳбуслар сонини олиб, ойда бир маротаба тасдиқланадиган таомномага



мувофиқ зарур маҳсулотлар рўйхатини шакллантирганликларини, шунга асосан ошхона мудирини марказий омбордан маҳсулотларни қабул қилиб олганлигини, юк хатини ҳисобчи Мухаммедова Шамсия тайёрлаганлигини, юк хатини ошхона мудирига тақдим қилганлигини, ошхона мудирини марказий омбордан зарур маҳсулотларни бориб олганлигини, таомномани таъминот бўлими бошлиғи, ошхона мудирини ва даволаш ва профилактика ишлари бўйича бошлиқ ўринбосари Жумаев Бобирлар тузганлигини, ва у томондан тасдиқлашини, озиқ-овқат маҳсулотлари тендер асосида ютиб олинган ташкилотлардан олиб келинганлигини, ғазна бўлими бу маҳсулотларнинг нархини белгилашини, комиссияда танланган корхона билан тузилган икки томонлама шартнома тузилиб, шартномани унинг ўзи ва бош ҳисобчи имзолаб тасдиқлаганларидан сўнг, ўрганиш учун ғазна бўлимига тақдим қилинганлигини, улар рухсат берганидан сўнг маҳсулотнинг

15 фоиз пули олдиндан корхонага кўчирилганлигини, маҳсулот тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг қолган 85 фоиз пул тўлаб берилганлигини, тендер учун газетага ҳар ой эълон берилганлигини, тендер билан таъминот бўлими бошлиғи А.Нуруллаев шуғулланганлигини, маҳсулотларни олиб ўз вақтида тайёрлаб маҳбусларга бериш билан ошхона шуғулланишини, илгари ҳам колонияда доимий текширишлар олиб борилганлигини, жумладан, ой бошида у тезкор қидирув ходимларига текшириш бўйича фармойиш беришини, аммо унинг вақти кўрсатилмаслигини, бу ходимлар исталган вақтда биринчи ўринбосарининг имзоси билан барча йўналишлар бўйича текширувни амалга оширганлигини, ҳарбий қоровул кўшинлари маҳкумлар турган жойни кўриқлайди. ички омбор ҳам шу ҳудудда жойлашганлигини, марказий омбор колония ҳудудида аммо ташқарида жойлашган бўлиб, уни ўзиларининг ходимлари 24 соат давомида кўриқлашини, ҳамма жойда камера борлигини, аризаларда у О.Шариповга кам маҳсулот берганлиги кўрсатилганлигини, ва ўзлари жавобгарликдан қутилиб қолиш мақсадида келганидан сўнг қасддан Асатуллаевни шу лавозимга кўйганликда айблаб келаётганликларини, аммо у 2017 йилдан келган бўлса-да, 2018 йил октябрь ойларига қадар бу лавозимда Р.Рофиев фаолият кўрсатганлигини, шу масалада Ш.Ядгаров билан юзлаштирилганида у ҳеч нима деб айтолмаганлигини, ташқи омбордан ичкарига маҳсулот олиб кириш учун уч нусхада юк хати тайёрланишини, унинг бир нусхаси қоровул кўшинларига тақдим қилинганлигини, ҳарбийлар уларга бўйсунмаслигини, кширувчилар қоровул кўшинларидаги юк хатлари билан



улардаги мавжуд юк хатларини солиштириб тафовут аниқлаганлигини, шундан тўртта юк хати ҳам уларда, ҳам қоровул қўшинларида бўлса-да, уларнинг китобида тегишли ёзув қайт қилинмаганлиги учун тафовут деб ҳисобланганлигини, аслида қоровул қўшинларидаги юк хати билан улардаги юк хатлари бир хил бўлиши кераклигини, аммо қоровул қўшинлари улардан мустақил эканлигини, уларнинг журналини назорат қила олмасликларини, ўртадаги тафовут нима сабабдан келиб чиққанлигини билмаслигини, ўзлаштирилган деб ҳисобланаётган маҳсулотлар корхоналардан омборга қабул қилинганлигини, бу бухгалтерия ҳужжатларида ҳам ўз аксини топганлигини, бироқ ташқи омбордан маҳсулотларни ичкарига олиб кириш вақтида алоқа хатларида тафовут топилганлигини, масалан қоровул қўшинларида 400 кг турган бўлса, О.Шаропов маҳсулот олиб кирилгандан сўнг юк хатини бўяб 1 тонна қилиб қўйганлигини, лекин у жавобгарликдан қочиш мақсадида гўёки унга улар топшириқ берган эканлигини айтганлигини, лекин бунга исботи йўқлигини, маҳсулотлар улардан имзодан чиққандан сўнг қўшиб ёзилганлигини, тафтиш бўйича тузилган далолатнома билан танишганлигини, эътироз билдирганлигини, лекин кечки пайт соат 11-12 ларда кеч бўлгани сабабли текширувчилар “далолатномага имзо қўйинг. Кейин этироз қиласиз” деганликларини, эътирозлари инобатга олинмаганлигини, унга оғзаки эътироз билдириш имконини берганликларини, эътирозини билдирганидан сўнг қўшимча текширув ўтказишларини айтганликларини, бироқ қўшимча текширув фақат ёнилғи мойлаш масалалари бўйича ўтказилганлигини, автомашиналар соз-носозлиги йил давомида техник кўриклар ўтказиш орқали аниқланишини, аммо текшириш давомида машиналар 1980 йилда ишлаб чиқарилганлиги, ёнилғи сарфи юқори эканлиги инобатга олинмаганлигини, текширувчиларга бу важларини айтганликларини, аммо инобатга олмаганликларини, улар агар ёнилғи сарфи кўп бўлса, йилнинг бошида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан буни актлаштириш кераклигини айтганликларини, аммо буни билмаганликларини, бу масалаларда мутахассис эмасликларини, бевосита бош ҳисобчи ёки бошқа ҳисобчилар жавоб бериши лозим бўлган ҳолатда унинг ўзи жавобгар бўлиб қолганлигини, текширувлар бошлангунига қадар ҳеч ким билан, жумладан ҳисобчилар билан адовати бўлмаганлигини, ишда раҳбар сифатида, кўчада дўст сифатида фаолият кўрсатганликларини, ҳеч кимга нисбатан адовати бўлмаганлигини, раҳбар сифатида ҳаммадан ишни талаб қилганлигини, уларни 4-5 соат ушлаб



турганларидан сўнг, қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси танланиши айтилгани учун зарарлар қариндошлари томонидан тўлаб берилганлигини, дастлабки тергов тўғри олиб борилмаганлигини, бошқа масъул шахсларнинг жавобгарлик масаласи очиқ қолиб кетаётганлигини, ўзи имзо қўйган юк хатларидан бошлиқ сифатида нусха олмаганлигини, чунки кунига 30-40 тагача юк хатига имзо қўйганлигини, бухгалтерияда юк хатларининг нусхалари доимий сақланганлигини, омборларнинг масъул шахслари, ҳисобчилар асоссиз равишда жавобгарликдан четда қолиб кетганлигини, назорат тафтиш бўлими ходимлари томонидан режали комплекс текширувлар ҳар йил бўлганлигини, унгача фаолият кўрсатган Содиқов ва Рофиевлар дастлабки тергов ва судда сўроқ қилинмаганлигини, колонияда 5 та ўринбосар бўлганлигини, бош ҳисобчи ва бухгалтерияда фаолият кўрсатган 8 та штатдаги масъул шахсларнинг асосий вазифаси товар-моддий бойликларнинг айланмаси кирим-чиқимини тўғри олиб бориш бўлганлигини, ҳисоб варақаларидаги биринчи имзо марказий омбор мудирини Аббос топширганлиги юзасидан, ички омбор мудирини, бир вақтда экспедитор О.Шаропов маҳсулотларни олганлиги бўйича имзо қўйганлигини, Ш.Муҳаммедова ҳисобчи сифатида бу кирим-чиқимларни текшириб, тўғрилигини тасдиқлаб бош ҳисобчига олиб кирганлигини, бош ҳисобчи ўз имзоси билан тасдиқлаб гербли муҳр билан тасдиқлаганлигини, барча имзолар бўлгани сабаб унинг ўзи ҳам имзо қўйиб тасдиқлаб берганлигини, унда бу маҳсулотлар қоровул қўшинларидан ўтган-ўтмаганлигини ёки фактураларни бирма-бир текшириш ва назорат қилиш мажбурияти бўлмаганлигини, у бўлмаган вақтда ўринбосарлари юк хатларига имзо қўйганлигини, бунга сабаб колонияда раҳбар имзоси бўлмаган ҳолатда қоровул қўшинлари маҳсулотларни ичкарига киришга рухсат бермаслигини, ИИВ буйруғига асосан ташқи марказий омборга озиқ ва ноозиқ-овқат маҳсулотларни қабул қилиб олиш бўйича йил бошида буйруқ билан 5 кишидан иборат комиссия тузилганлигини, комиссия маҳсулотларни текшириб қабул қилиб олганлигини, комиссия аъзолари сифатида тезкор қидирув, тиббиёт ва бухгалтерия бўлимларидан 5 нафар киши маҳсулотларни қабул қилганлигини, ички омбордан озиқ-овқат ва ташқи омбордан ноозиқ-овқат маҳсулотлари ошхонага олиб борилишида ошхона мудирини, навбатчи ходим, тезкор қидирув ходими, бухгалтерия ва тиббиёт ходими ҳар кунлик қабул қилинган маҳсулотларни далолатнома тузиб расмийлаштириб қўйганликларини, у ёки ўринбосарларидан бири томонидан бу далолатнома тасдиқланиб, бу ҳужжатлар йиғма жилдларда тўплаб



борилганлигини, йил давомида 6-7 тонна картошка, 700 кг атрофида сабзи, 500 кг атрофида карам каби сабзавотлар олинганлигини, колонияда бир кунлик картошка сарфи 50-55 кг.ни ташкил қилганлигини, ошхона мудир У.Зокиров ҳар кунлик олиб келинадиган маҳсулотлар бўйича тузилган далолатномани бухгалтерияга топширганлигини, бу жараёнлар прокуратуранинг 17-бўлими томонидан мунтазам текширилиб, натижаси бўйича маълумотнома тузилганлигини, шу пайтгача бу масалалар юзасидан бирор маротаба эътироз тушмаганлигини, умуман олганда комиссия далолатнома тузиб, у томондан тасдиқлангандан сўнг маҳсулотлар омборлардан ошхонага борганлигини, гувоҳ Ш.Мухаммедова ЖИЭКда озиқ-овқат бўйича соҳа бухгалтери ҳисобланишини, у биринчи босқич суди жараёнида юк хатлари кейинчалик қўлда бўялиб ўзгартирилганлиги ҳақида бош ҳисобчига айтганлигини, аммо бош ҳисобчи унга “бор ишингни қилавер” деб айтганлиги тўғрисида кўрсатув берганлигини, таомномани А.Нуруллаев, ошхона мудир ва шифокор тузганлигини, колония алоҳида категорияга эга бўлганлиги сабабли таомнома ИИВнинг тегишли буйруғига асосан тузилганлигини, ушбу буйруқдан кўп ҳам, кам ҳам озиқ-овқат берилиши мумкин эмаслигини, колонияга шунга мувофиқ пул ажратилганлигини, улар буйруқларда кўрсатилмаган ёки тасдиқланмаган маҳсулотларга пул кўчиролмасликларини, юк хатларини аслида бухгалтерия томонидан тўлдирилиши лозим бўлса-да, ҳужжатлар бевосита марказий омбор билан ички омборнинг мудирлари томонидан тўлдириб, уни бухгалтерия тасдиқлаб берганлигини, бухгалтериядаги бош ҳисобчи ёки бошқа ҳисобчилар юк хатларини ўрганиб уларни тасдиқлаганлигини, омбор мудирлари бор деб кўрсатаётган товарнинг ҳақиқатда бор ёки йўқ эканлигини бухгалтер тасдиқлаганлигини, у ва ўринбосарлари юк хатларига фақатгина маҳсулотлар назорат ўтиш жойидан ўтиш учун имзо қўйганликларини, иш бўйича юк хатларига имзо қўйганлардан фақатгина у, Аббос, Р.Шаропов, А.Нуруллаевлар жавобгар бўлганликларини, аммо 8-9 ҳолатда бош ҳисобчи, 6-7 ҳолатда О.Шароповлар жавобгар бўлмаганлигини, у ёки ўринбосарлари томонидан ҳеч кимга юк хатлари бўйича бирор бир топшириқ берилмаганлигини, агар ўзлаштирилган деб кўрсатилаётган маҳсулотлар колония ичига олиб кирилмаганда маҳкумлар озиқ-овқатсиз қолган бўлишларини, буни ички комиссия текшириб турганлигини, бундан ташқари, 17-бўлим томонидан текшириш олиб борилганлигини, далолатнома тузиб камчилик аниқланмаганлигини, уларда бу далолатнома борлигини, маҳкумлар оч қолганида шикоят қилган бўлишларини,



экспедитор О.Шаропов текширувлар давомида ҳам ишлаганлигини, у хужжатлар билан шуғулланиб ойлик ҳисоботларни тақдим қилганлигини, 17-бўлим текширув олиб борган ҳолатлар бўйича далолатнома тузганлигини, бу текширувлар давомида у жинойт иши қўзғатилишига сабаб бўлган аризасида баён қилган эътирозлар билдирган ёки йўқлигини билмаслигини, маҳсулотларнинг сотиб олинишига эҳтиёж бўлса, таъминот бўлими, омбор мудирлари томонидан заявкalar шакллантирилишини, ташқи омбор мудирлари сотиб олинган маҳсулотлардан дуккакли маҳсулотлар, тухум, қуруқ мевалар бўйича, ички омбор полиз маҳсулотлари, сабзаотлар бўйича зарур эҳтиёжлари ҳақида бухгалтерияга мурожаат қилишини, шундан сўнг маҳсулот тендер асосида сотиб олинишини, юк хати эса ташқи омбордан ичкарига кириши мўлжалланган маҳсулотлар бўйича тузилганлигини, топширувчи, қабул қилувчи имзо қўйгач, бош ҳисобчи бу маҳсулотлар омборда борлигини тасдиқлаб имзо қўйиб муҳр билан тасдиқлашини, қоровул қўшинларида у ва 5 нафар ўринбосарларининг имзо намуналари борлигини, улар шу намуналар билан солиштириб, имзолари бўлган тақдирда киришга рухсат берганлигини, уларга нисбатан 11 та ҳолатда қўйилаётган айблов фақатгина марказий омбордан маҳсулотларни ичкарига олиб киришдаги хужжатларда аниқланган тафовут натижасида келиб чиққанлигини, эспедиторнинг вазифаси сотиб олинган маҳсулотларни олиб келиб марказий омборга топширишдан иборат эканлигини, марказий омбор мудирлари Латипов Аббос бу маҳсулотларни қабул қилиб олиб, бу ҳақидаги хужжатларни бухгалтерияга тақдим қилганлигини, бухгалтер шунга асосан маҳсулотларни кирим қилиб, шу марказий омбор мудирлари А.Латипов томонидан кирим қилинган маҳсулотларни юк хатига асосан ички омбор мудирлари О.Шаропов қабул қилганлигини, мисол учун О.Шаропов юк хатида улар томондан тасдиқланган 5 турдаги маҳсулотга 6-турдаги маҳсулотни қўшганлигини, шунинг оқибатида фарқ келиб чиққанлигини, О.Шаропов аризасида колония ичида жуда кўп миқдорда тузланган бодринг ва сабзаот маҳсулотларининг тўпланиб қолганлигини, кейинчалик бу маҳсулотлар улар томонидан олиб чиқиб кетилганлигини айтганлигини, бироқ Мусулмонқулов қоровул бошлиғи ичкаридан чиқиндидан бошқа ҳеч қандай юк чиқарилмаслигини маълум қилганлигини, уларга нисбатан эълон қилинган айблов бўйича 11 та юк хатининг 4 тасида юк хатлари бир хил қоровул қўшинларида ҳам, уларда ҳам борлиги ва бир хил эканлигини, лекин уларнинг рўйхатга олиш фтарига тушурилмаганлиги сабабли фарқ сифатида



баҳоланганлигини, қолган 7 та ҳолатда юк ҳолатларининг баъзиларида қурилиш бўйича ёки бошқа турдаги ноозиқ-овқат бўйича тузилган юк хатларининг охирида О.Шаропов томонидан озиқ-овқатлар ёзилганлигини, буни О.Шаропов ёзганлигини тан олганлигини, лекин унинг буйруғи билан ёзганини айтганлигини, ташқи омбордан ичкарига кирган маҳсулотларни қабул қилиб олиш учун У.Зокиров имзо қўйиб тасдиқлагани ва бунга жавоб берганлигини, у фақат маҳсулот қоровул қўшинларидан ўтиш учун юк хатига имзо қўйганлигини, назорат ўтказиш жойида топилмаган юк хатлари бўйича текшириш ваколатига эга эмаслигини, таомноманинг қандай сохта эканлигини исботлаб беролмаганликларини, чунки ҳар ой тасдиқланган таомноманинг бир нусхаси уларда қолиши, бир нусхаси жазони ижро этиш бош бошқармасига жўнатилганлигини, маҳсулотлар унинг имзосисиз киритилмаслиги талаби қоровул қўшинлари томонидан жорий қилинганлигини, ички ҳудудни ҳарбийлар, ташқи омборни уларнинг ходимлари қўриқлашини, колониядан нарса олиб чиқишнинг имконияти йўқлигини, колония томонидан Шаропов Рустам билан моддий жавобгар шахс сифатида шартнома тузилмаганлигини, у моддий жавобгар шахс эмаслигини, омбордаги маҳсулотлар Р.Шароповнинг ихтиёрида бўлмаганлигини, унга бирор маҳсулот ҳужжат билан топширилмаганлигини, омбор мудирлари билан моддий жавобгарлик бўйича шартномалар тузилганлигини, ёнилғи сарфи юзасидан ҳар ой якуни билан бош бошқармага ҳисобот бериб борилганлигини, ҳисоботни масъул шахс тузганлигини, бош ҳисобчи буни текшириб тасдиқлагандан сўнг у томондан тасдиқланишини, ЖИЭК бош бошқармасига озиқ-овқат маҳсулотлар бўйича ҳисоботлар масъул ходимлар томонидан тузилиб, соҳа бухгалтери томонидан текшириб имзолангандан сўнг у томондан тасдиқланишини билдириб ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраб кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган судланувчи Р.Шаропов, 1996 йилдан буён ИИБ тизимида ишлашини, 20-сонли ЖИЭКда 2000 йилдан, умумий масалалар бўйича ўринбосар лавозимида 2017 йил ноябрдан ишлаганлигини, 2021 йил 30 январдан нафақада эканлигини, хизмат вазифасига муассасадаги қурилишларни назорат қилиш, маҳкумларни иш билан таъминлаш, транспорт воситаларнинг техник соҳа ҳолатда бўлишини таъминлаш, коммунал харажатларини назорат қилиш кирганлигини, 2000 йил май ойидан экспедитор О.Шаропов нафақага чиққанлигини, ўша пайт ҳам ўринбосар, ҳам касаба уюшмаси бошлиғи



бўлганлигини, бир неча маротаба сабабсиз ишга келмаганлиги учун далолатнома қилганликларини, О.Шаропов ундан актга имзо қўйгани учун норози бўлганлигини, шундан сўнг у нафақага чиқишни хохламай ИИБга, прокуратурага ёзганлигини, бу мурожаатлар бўйича текширувчилар бирор бир камчилик ёки камомад аниқламаганлигини, Тошкентдан ИИВдан келган текширувчилар комиссиян текширувлар ўтказилиб, шартномалар, ёнилғи сарфи ва озиқ-овқат масалалари бўйича камчиликларни аниқланмаганлигини, муассасада иккита омбор бўлиб, ташқи омбор муассасадан 500-600 метр ташқарида жойлашган икки қаватли бино бўлиб, атрофи ўраб олинган ҳамда барча бурчакларда камералар мавжудлигини, унда кийим-кечак , озиқ-овқат ва хўжалик моллари турганлигини, маъмурий бинони қорувул қўшинлари қўриқлашини, ҳарбий назоратчилар муассаса ичкарасига озиқ ва ноозиқ-овқат маҳсулотларни текшириб киритганлигини, унга озиқ-овқат масаласи билан нотўғри айблов қўйилганлигини, ўринбосар сифатида фаолият кўрсатган даврда муассасада 2-3 млрд. сўмдан ортиқ маблағга қурилиш ишлари олиб борилган бўлиб, шу ишлар билан банд бўлганлигини, маҳкумлар ётоқхонаси қайта таъмирланиб, адвокатлар хонаси, учрашув заллари қурилганлигини, аслида ноозиқ-овқат масалалари билан шуғулланмаганлигини, доимий қурилишда бўлганлигини, ички тартибга кўра раҳбар бўлмаганда ўринбосарлар юк хатига имзо қўйиш ваколати берилганлигини, бу имзо фақат қорувул қўшинлари маҳсулотларни ичкарига киритилишига рухсат бериши учун қўйилганлигини, уларга нисбатан айбловда 11 та ҳолатда бухгалтериядаги улар томонидан имзоланган юк хатлари билан назорат ўтиш жойидаги юк хатларидаги фарқ келиб чиққани сабаб бўлганлигини, шартномалар, омбор ҳужжатлари текширилганда ҳам бирор бир камчилик чиқмаганлигини, улар фақат юк хатига имзо қўйганлиги учун жавобгар бўлганликларини, смета харажатларига мувофиқ ажратилган пуллар бухгалтерияга келганлигини, бу смета харажатларига асосан улар ҳар ойда ўз йўналиши бўйича корхоналар билан шартномалар тузганликларини, 2008 йилдан буён О.Шаропов ҳам экспедитор ҳам ички омбор мудирлиги вазифасини бажарганлигини, омбор мудирлари зарур бўлган эҳтиёжга асосан заявка билан бухгалтерияга мурожаат қилганлигини, эълон берилиб, таклифлар тендер комиссияси томонидан ўрганилиб, ғазна бўлимига текшириш учун маълумотлар тақдим этилганлигини, ғазна тасдиқлагандан сўнг бухгалтерия маҳсулот нархининг 15 фоизини олдиндан кўчириб бергач, рхонадан маҳсулотлар олиб келинганлигини, 5 кишидан



иборат комиссия буларни ўрганиб қабул қилгандан сўнг далолатнома тузилиб, бухгалтерияга тақдим этилгач, қолган 85 фоиз пул кўчириб берилганлигини, Тошкентдан келган текширувчилар 88 млн. сўм қурилишдан, 37 млн. озиқ-овқат ва ёнилғи камомади аниқланганлигини, бироқ барча ҳолатларни кўрсатиб берганидан сўнг фақатгина асоссиз равишда озиқ-овқат бўйича камомадда иштирокчи деб топганликларини, судда унга қарши кўрсатувлар берилмаганлигини, унинг маҳсулотларни текширишга ваколати бўлмаганлигини, текширишни бухгалтерия ва тезкор қидирув бўлими амалга оширганлигини, ҳеч қандай жиноят содир этмаганлигини, умумий масалалар бўйича ўринбосар бўлганлигини, моддий жавобгар шахс ҳисобланмаслигини, юк хатига имзо қўйганлигини, раҳбар бўлмаган вақтида юк хатига имзо қўйганлигини, у билан моддий жавобгар шахс сифатида шартнома тузилмаганлигини, текширишда колония жиноят қидирув ходимлари иштирок этмаганлигини, текширувчилар ўз йўналиши бўйича бўлиниб, яъни шартнома бўйича, ёнилғи бўйича ва озиқ-овқат бўйича текширишни амалга оширганликларини, юк хатига имзо қўйганидан сўнг маҳсулот ичкарига омборга боришини, юк хати бухгалтерияга боришини, бухгалтерия юк хатига асосан кирим қилишини, у ўзидан ўзи маҳсулотни кирим қилмаслигини, у юк хатига асосан кирим қилишини, 11 та юк хати сохта деб топилганлигини, шундан 5 тасида унинг имзоси борлигини, имзо қўйган юк хатини бош ошпаз, омборхона мудирлари олиб келганлигини, маҳсулотларни кўрмаганлигини, колонияда уч тоифадаги маҳкумлар борлигини, булар соғлом, сил касаллиги ва СПИД касаллиги билан касалланган маҳкумлар эканлигини, бухгалтерия махсус бўлимдан маълумотнома олиб, тиббиёт бўлими маълумотнома беришини, ойнинг бошида таомнома ташкил этилишини, таомномага асосан нормативлардан келиб чиқиб олинган маълумотномалар бўйича уч турдаги юк хатлари чиқарилишини, алоҳида нон учун, озиқ-овқатлар учун ва сабзавотлар учун юк хати чиқарилишини, юк хатига бош ҳисобчи, ҳисобчи, омбор мудирлари, бош ошпаз имзо қўйгандан сўнг раҳбарга киритилишини, бу юк хатлари икки кунда бир мартаба, яъни душанба, чоршанба ва жума кунлари тузилишини, колонияга ташқарисидан маҳсулот сотиб олиш лозим бўлганда ташқи ва ички омбор мудирлари О.Шаропов ва У.Латипов ҳар ойлик ҳисоботларини бухгалтерияга тақдим этаётган вақтида эҳтиёж ҳақида ҳам маълумот топширишини, улар берган заявкага асосан эълон берганликларини, тендер комиссияси таклиф қилинган нархларнинг мақбулини танлаб баённома шакллантириб, бухгалтерияга берганлигини, бош



ҳисобчи шартнома тузиб ғазнага берганлигини, ғазна тасдиқлагандан сўнг бухгалтер 15 фоиз тўлаб берганлигини, маҳсулот 100 фоиз келгандан сўнг марказий омбор мудирини 5 кишидан иборат комиссия иштирокида, яъни тиббиёт ходими, омбор мудирини, тезкор қидирув ходими, ҳисобчи текшириб қабул қилиб олганлигини, комиссия ҳисоб варағини тузгандан сўнг шунга асосан бош ҳисобчи қолган 85 фоиз пулни кўчирганлигини, текширувчилар бухгалтериядаги юк хатларини ҳарбий қисмдаги юк хати билан солиштириб, қоровул кўшинларидан чиқмаган юк хатини уларнинг айби деб расмийлаштирганлигини, бу нотўғри эканлигини, чунки улар ҳарбий қисмни текшира олмасликларини, уларнинг айби билан жавобгар бўлганликларини, ўзига бўйсунувчи омбор мудирини текшира олмаслигини, уни текшириш тезкор қидирув ходими иштирокида амалга оширилишини, уларда шундай тизим жорий қилинганлигини, ташқаридан маҳсулот олиб келиш учун омбор мудирини заявка берганлигини, заявка олингандан сўнг тендер комиссияси газетага эълон беришини, комиссия раиси эканлигини, тижорат таклифи бўйича баённома тузилганлигини, протоколга асосан шартнома тузганликларини, тендер комиссияда раис бўлганлигини, бошқа аъзоларни аниқ эслай олмаслигини, қоровул кўшинларида дарвозага жавобгар шахс, ит билан текширувчи шахс, қоровул бошлиғи масъул шахслар ҳисобланганлигини, улар алмашиб турганлигини, 2019-2020 йилларда айнан кимлар ишлаганлигини эслай олмаслигини, ичкарига маҳсулот кираётганда маҳсулотни қабул қилиб олаётган ва ҳайдовчиларгагина ичкарига киришга рухсат берилганлигини, бошқа ҳеч ким яқинлаштирилмаслигини, унга нисбатан айблов асосиз эканлигини, илгари назорат тафтиш бошқармасидан, жазони ижро этиш бош бошқармасидан, прокуратуралардан текширувчилар келиб, ўрганиш олиб борилганда камчилик аниқланмаганлигини, юк хатлари тўлиқ солиштирилмаганлигини, О.Шаропов ва бош ҳисобчининг тухмати билан жавобгар бўлганликларини, умумий масалар бўйича раҳбар ўринбосари бўлса-да, текшириш ваколоти бўлмаганлигини, бунга тезкор қидирув ходими ва бош ҳисобчи масъул эканлиги, улар текширганлигини, фаолияти давомида маҳкумлардан бирор маротаба шикоят бўлмаганлигини, ДХХдан ва прокуратурадан келиб суҳбатлашилганда маҳкумлар шикоят қилмаганлигини, ички ва ташқи омборларда омбор мудирлари мавжудлиги, юк хатига топшираётган омбор мудирини, қабул қилаётган шахс, ҳисобчи имзо қўйиши, керакли маҳсулот юк хатига асосан бориб ташқи омбордан ўлчаб инганлигини, бирор маротаба маҳсулотларни ўлчашда



иштирок этмаганлигини, унда иштирок этиш ваколоти бўлмаганлигини, бош ҳисобчи ўлчашни ташкил қилиши кераклигини, ичкарига маҳсулот кирганида махсус комиссияси текширганлигини, маҳсулотлар ичкарига олиб кирилаётганда фақатгина масъул ходимлар иштирок этганлигини, яъни юк хатини имзолаганлар ва ички комиссия аъзолари иштирок этганликларини, у билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилмаганлигини, унга маҳсулотлар топширилганлиги тўғрисида далолатномалар тузилмаганлигини, ички ва ташқи омбордан бирор нарса олиб киришнинг ҳам, олиб чиқишнинг ҳам имкони йўқлигини, раҳбар бўлмаган вақтида юк хатига имзо қўйишдан бош тортишга ҳаққи борлиги, лекин маҳсулот эскириши мумкинлиги сабабли имзо қўйишга мажбур бўлганлигини, кунига 10 дан ортиқ юк хатига имзо қўйганлигини, маҳсулотларни текширишга ваколоти бўлмаганлигини, бу бўйича масъул ходимлар бўлганлигини, юк хатига бош ҳисобчи ёки унинг ўринбосари имзо қўйишини, у имзо қўйган юк хатларга ўзгартириш ҳолатлари бўлмаганлигини, юк хатлари ўзгартирилганлигини кўрганида имзо қўймаган бўлишини, бу ҳолатларни кейин билганлигини, колонияда бош ҳисобчи, унинг ўринбосари ва 6 та соҳа ҳисобчилари бўлганлиги, улар ўзининг йўналиши бўйича товар-моддий бойликларнинг ҳисоботини юритганлиги, бош ҳисобчи ва унинг ходимлари бир ойда бир марта омборларни инвентаризациядан ўтказиши кераклигини, омборлар ўраб олинган ва камералар борлигини, лавозимига ўтганида ва нафақага чиққанида топшириш, қабул қилиш далолатномалари орқали номенклатура ҳужжатларини, яъни қурилиш лойиҳалари, кадастр, транспарматор ҳужжатларинигина қабул қилиб, топширганлигини, айблов қўйилаётган даврдаги юк хатларини У.Латипов ҳам О.Шарипов ҳам имзолаганлигини, шунга асосан раҳбар имзо қўйганлигини, агар юк хатлари сохта бўлса, улар жавоб бериши кераклигини, унга озиқ-овқат маҳсулотлари топширилмаганлигини, унга тузатилган юк хатлари олиб келинмаганлигини, тасдиқланган юк хатини ўзгартириш мумкин эмаслигини, омбор учун қўшимча эҳтиёж аниқланса, экспедитор бухгалтериядан ишончнома олиб, ташкилотга қўшимча шартнома этиб, қўшимча фактура тақдим этиш орқали маҳсулот олиб келинишини, қоровул қўшинлари бўялган юк хати билан маҳсулот киритмаслигини, унга нисбатан эълон қилинган 13 млн. сўм камомад умумий 37 млн. сўм зарарнинг ичида эканлигини, марказий омборга ҳар ойда бир маротаба зарур маҳсулотлар олиб келинганлигини, улар тасдиқлаган юк хати муассаса ичида маҳсулотнинг бир



балансдан иккинчи балансга ўтганлигини тасдиқлашини, ғолиб бўлган ташкилотдан бир маротабада маҳсулотлар олиб келинганлигини, улардан қўшимча маҳсулот олинмаганлигини, корхоналардан муассасага маҳсулот олиб келиш жараёнларида юк хати ишлатилмаслигини билдириб, ҳеч қандай жиноят содир этмаганлигини, ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли биринчи босқич судининг ҳукмини бекор қилиб, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраб кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган судланувчи А.Нуруллаев, колонияда таъминот бўлими бошлиғи сифатида 2018 йил 14 декабрдан 2021 йилгача иш фаолиятини олиб борганлигини, уларга тергов органи томонидан 2019-2020 йиллар давомида 37 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлаштириш айби қўйилганлигини, тергов нотўғри олиб борилганлигини, назорат ўтиш жойи билан бухгалтериядаги юк хатлари таққосланиб тафовут аниқланганлигини, бироқ ҳарбий қисмдаги юк хатларининг сақланиши ёки юритилиши улар томондан белгиланмаслигини, назорат қилинмаслигини, тергов давомида ҳам текшириш олиб борилган даврда ҳам ҳарбий қисм томонидан ҳужжатлар тартиб билан сақланмаганлиги, рўйхатланиб юритилмаганлиги аниқланганлигини, юк хатлари қопларга тарқоқ ҳолда солинган ҳолатда олиб келиниб, улардаги юк хатлари билан таққосланганлигини, улар томонидан юк хатларини рўйхатга олиш китоблари юритилиши лозим ҳолда бўлмаганлигини, 7536-сонли ҳарбий қисмнинг мажбурияти колонияга кириб чиқаётган шахслар, рухсат этилган нарса-буюмларнинг кириб чиқишини назорат қилиш бўлганлигини, уларда юк хатида кўрсатилган маҳсулотларнинг сифатини, сони, килосини аниқлаш мажбурияти бўлмаганлигини, айби исботланмаганлигини, улар томондан сохта таомнома тузилганлиги ҳам хато эканлигини, таомнома 2015 йил 7 июлдаги 184-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва ИИВнинг

2001 йилдаги 142-сонли буйруғига асосан тузилганлигини, таомнома ҳафтада бир марота тузилганлигини, уни ошхона бўлими мудири, тиббиёт ходими ва унинг ўзи томонидан тузилганлигини, таомномани сохталаштириб бўлмаслигини, таомнома икки нусхада тузилиб, раҳбар томонидан тасдиқлангандан сўнг бир нусхаси ошхонага илиб қўйилиши, бир нусхаси бухгалтерияга тақдим этилганлигини, бухгалтерия таомнома асосида, тиббиёт бўлими ва махсус бўлим берган маҳкумлар сонидан келиб чиқиб юк хати аниқланганлигини, юк хати асосида ички комиссия



маҳсулотни ошхонага қабул қилиб олганлигини, корхоналардан омборларга олиб келинган маҳсулотларни буйруқ асосида ташкил этилган 5 нафар аъзодан иборат комиссия қабул қилиб олганлигини, маҳсулотнинг сифати бўйича тиббиёт ходими, бухгалтер саноғи, тезкор вакил ноқонуний алоқа йўқлигини текширишини, 5 киши қабул қилган маҳсулот бўйича далолатнома тузиб, уни раҳбар тасдиқлашини, ички омборга ташқи омбордан маҳсулот керак бўлса, ички омбор мудирини бухгалтерияга заявка беришини, шунга асосан юк хати тузилиб, ташқи омбор мудирини топшириши, ички омбор мудирини қабул қилишини, буни бухгалтер тасдиқлаб имзолаб қўйишини, шундан сўнг бу маҳсулот қоровул қўшинларидан ўтиши учун раҳбар имзо қўйишини, юк хатлари бухгалтерияда туришини, юк хатлари 3 нусхада тузилишини, 2 нусха бухгалтерияда, яъни бир нусхаси ташқи омбордан чиқим бўлганини тасдиқловчи йиғмажилд учун, 1 нусхаси ички омборга кирим бўлганлигини тасдиқловчи йиғмажилдга тикилишини, бир нусхаси қоровул қўшинларида туришини, ИИВнинг буйруғига асосан маҳкумларнинг сонидан келиб чиқиб, 35 кунга етадиган озиқ-овқат захирасини шакллантиришларини, заявкага асосан “Бухоронома” газетасига эълон берилишини, корхоналарнинг таклифлари тендер комиссияси томонидан ўрганилиб, баённома тузилиб мақбул таклиф ҳақида қарор қабул қилинишини, шунга асосан бухгалтерия шартнома тузишини, юрист шартноманинг қонунийлигини текширгач ғазнага топширилишини, ғазна ўрганиб корхоналарга олдиндан маҳсулотнинг

15 фоиз тўловини кўчиришини, ташқи омборга олиб келинган маҳсулотларни комиссия текшириб олиб, қабул қилиб далолатнома тузишини, далолатномага асосан бухгалтерия қолган 85 фоиз пулни кўчириб беришини, таъминот бўлими раҳбари сифатида колонияга керак бўладиган маҳсулот бўйича заявкalar бериши, уларнинг ўз вақтида олиб келиниши, бу маҳсулотлардан нормал овқат тайёрланишини назорат қилиш унинг вазифасига кирганлигини, омбор таъминот бўлимига қарамаслигини, омборларда фаолият юритадиган ходимлар уларга бўйсунганлигини, ички низом асосида хизмат вазифалари тақсимланганлигини, унга мувофиқ омбор мудирини унга бўйсунганлигини, мансаб йўриқномасига асосан моддий жавобгар ёки мансабдор шахс эмаслигини, топшириш қабул қилиш далолатномасига асосан 4 та йиғмажилд, 1 та флешка ва битта компьютерни қабул қилиб олганлиги ва топширганлигини, тендер комиссиясининг аъзоси эканлигини, корхоналардан омборларга маҳсулот қабул қилиб олиш бўйича тузилган комиссияда таъминот бўлимидан вакил аъзо назарда



тутилганлигини, у ёки бўлимдан бирор бир ходим бориб комиссияда иштирок этганлигини, унинг ўзи бўлмаганида ҳам бўлим ходими бориб маҳсулотни қабул қилиб олган бўлса, бу далолатнома бухгалтерияга кетиши мумкинлигини, бухгалтерияда ҳужжатларнинг юритилиши, ва тозаликни назорат қилиш мақсадида ўрганиш олиб борганида қўл остидаги ходими иштирок этган далолатномани кўрганлигини, ходимларнинг хизмат вазифасини ўз вақтида бажаришини назорат қилиб турганлигини, вазифасига маҳкумларни озиқ-овқат билан, кийим-кечак билан таъминлаш, маҳкумларни овқатланишини тўғри ташкил қилиш, сифатли овқат билан таъминлаш ва уларни соғломлаштириш, тендер комиссиясининг ишини ташкил этиш, газетага элон бериш, шартномани тузишни ташкил қилиб, экспедитор томонидан маҳсулотни олиб келишни ташкил этиш кирганлигини, тафтишчилар текширувни нотўғри олиб борганлигини, уларга эътироз билдирганида прокуратура қоровул қўшинларидаги юк хати билан бухгалтериядаги юк хатларини солиштиришни айтганлиги билдирганлигини, бироқ тафтишчи маҳсулотлар бўйича шартномалар, кирим ҳужжатлари ва чиқим ҳужжатларини текшириши лозим бўлган ҳолатда бу ишни қилмаганлигини, олтита соҳа бухгалтерлар ўзининг йўналиши бўйича бош ҳисобчига ҳисобот берганлигини, улар жавобгар шахслар эканлигини, омборлар учун мутахассисларни танлаш, ошхона мудирлари, тиббиёт ходимлари билан биргаликда маҳкумлар учун зарур бўлган маҳсулотлар рўйхатини тузиб, раҳбар тасдиғига киритиш, омборлар бўйича ҳисоботларнинг тўғри олиб борилиши устидан раҳбарий назоратни юритиш ва омбор мудирларининг касбий малакасини ошириш бўйича семинарлар ўтказиш вазифасига кирганлигини, омбор мудирлари А.Латипов масъул ва у моддий жавобгар шахс ҳисобланишини, у омбор мудирлари томонидан маҳсулотларни тўғри сақланиши, ҳисоботларини тўғри юритилишини назорат қилишини, лекин раҳбари эмаслиги ва жавобгар эмаслигини, А.Латипов ва У.Зокировлар унинг мажбурий кўрсатмаси асосида маҳсулотлар киритилмасдан юк хатига имзо қўйганликлари тўғрисидаги кўрсатувларини тергов жараёнида босим остида берганлигини, бироқ суд муҳокамаси давомида бу кўрсатувлар нотўғри эканлигини айтганликларини, аммо суд ҳукмида айблов ҳулосасидаги кўрсатувлар кўчирилиб қўйилганлигини, шу сабабли биринчи босқич судидан аудиоёзувларни олишни сўрашини, баённомада гувоҳлар ва уларнинг кўрсатувлари бир бирига зид ҳолда киритилганлигини, қоровул қўшинлари бўялган юк хати билан уни киришга қўймаслигини, юк хатига асосан кунлик



киритилаётган маҳсулотларнинг ҳисоботларини юритиш соҳа бухгалтерининг мажбурияти эканлигини, омбор мудирларининг ойлик ҳисоботларини, китобларини тўғри юритилишини назорат қилишини, ойлик ҳисоботлар ҳисобварақлар ва юк хатларига асосан юритилганлигини, айблов бўйича

1 та юк хатига қабул қилувчи шахс сифатида имзо қўйганлигини, пандемия даврида ишчи ходимлар камайиб кетгани учун маҳсулотни унинг ўзи қабул қилган бўлса-да, бу ҳолатда у моддий жавобгар шахс ҳисобланмаслигини, А.Латипов ва У.Зокировлар уларга босим бўлгани ҳақида суд мажлисида айтганлигини, ҳарбий назоратчи ҳам сўроқ қилинмасдан туриб сўроқ қилиш баённомасига имзо қўйдирганликларини айтганлигини, у имзо қўйган юк хатидаги маҳсулотлар нархи 5.5 млн сўмлик маҳсулотлар эканлигини, шу билан бирга бу юк хати уларда ҳам, қоровул кўшинларида ҳам мавжудлигини, лекин китобига тегишли ёзув ёзилмаганлиги учун жавобгар бўлаётганлигини, қолган 10 та юк хати бўйича кўли синиб, 2.5 ой гипсда бўлиб таътилда бўлганлигини, 10 та юк хатининг 5-6 таси тузилганида ишда бўлмаганлигини, яъни таътилда бўлганлигини, А.Латипов, О.Шаропов маҳсулотни топшириб қабул қилгани учун имзо қўйганлигини, бош бухгалтер уни тасдиқлаб имзо қўйганлиги ва раҳбарга имзо учун киритилганлигини, у моддий жавобгар шахс бўлганида у билан шартнома тузилиши ҳамда тегишли ҳисоботлар топшири керак бўлганлигини, 2020 йил 15 апрелдаги юк хатига имзо чекканлиги ва 2020 йил июлгача бу ҳолат бўйича шикоят бўлмаганлигини, тафтиш давом этаётган вақтда О.Ҳамроев, А.Латипов ва У.Зокировни прокуратурага олиб борганлигини, эртаси кун тафтишчи А.Латипов ва У.Зокиров иқрорлик билдириб тушунтириш хати ёзиб берганлигини, у ҳам ёзиши кераклигини айтганлигини, рад қилса-да, қандай бўлмасин ёздириб олишини айтганлигини, босим остида шу мазмунда тушунтириш хати ёзиб беришга мажбур бўлганлигини, тафтишчи ИИВдан келганлигини, прокуратура талаб қилаётган эканлиги сабабли босим остида нотўғри мазмунда тушунтириш хати ёзиб беришга мажбур бўлганлигини, А.Латипов ва У.Зокировдан нега нотўғри мазмунда тушунтириш хати ёзиб берганини сўраганида О.Ҳамроев прокуратурага олиб борганлигини, қўрққанликлари сабабли босим остида ёзиб беришга мажбур бўлганликларини айтганликларини, “катта лейтенант” даражасида эканлигини, маълумоти олий эканлигини, Тошкент транспорт институни тугатганлигини, 2018 йил май ойидан иш бошлаганлигини, тафтиш бошқармаси ходими тафтиш давомида ундан



тушунтириш хати олганлигини, ўша пайтда жиноят иши кўзғатилган ёки йўқлигини билмаслигини, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда бўлмаганлигини, ушланмаганлигини, жисмоний тазйиқ бўлмаганлигини, қандай мазмунда тушунтириш хати ёзиб берганини тушунмаганлигини, ёзувлар унга тегишли эканлигини, талаб қилганликлари учун ёзиб берганлигини, О.Ҳамроев айтаётган юк хатлари алмаштирилган ҳолатдан хабари йўқлигини, ёзувлар унга тегишли эмаслигини, аммо имзолар унга тегишли эканлигини билдириб, ҳеч қандай жиноят содир этмаганлигини, ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги ва унинг айби исботланмаганлиги сабабли унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраб кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ С.Тошев, асосий вазифасига ҳудудни кўриқлаш, маҳкумлар қочишини олдини олиш, ташқи ҳужумларни қайтариш ва бартараф қилиш ҳамда жанговар хизмат низомида белгиланган бошқа мажбуриятлар киришини, 2018-2019 йиллар давомида 20-сонли ЖИЭКда қоровул бошлиғи сифатида ишлаганлигини, хизмат вазифасини ўташ вақтида бир жойда турмаслигини, назорат ўтиш жойларидаги кўриқчиларни алмаштириш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш вазифасига киришини, колонияга олиб кириш учун олиб келинган маҳсулотлар назорат ўтказиш жойида хизмат вазифасини амалга ошираётган ҳарбий хизматчилар томонидан текширилиб, ичкарига киритилганлигини, текшириш давомида машинанинг ҳужжатларини, олиб келинган маҳсулотни ва улар учун берилган рухсатномаларни, юк хатларини текшириб, уларни дафтарга рўйхатга олиб машинани ичкарига киритишларини, юк хати ва юкнинг ўзи таққосланиб текширилишини, хизмат вазифаларига маҳсулотларни ўлчаш мажбурияти юклатилмаганлигини, олиб келинган маҳсулотнинг орасидан танлаб ўлчаб кўришларини, маҳсулот билан бир нусхадаги юк хати олиб келинишини ва бу нусха ҳарбийларда қолишини, юк хатининг бошқа нусхалари уларга олиб келинмаслигини, назорат ўтказиш жойида ЖИЭКка кирувчи машиналарни рўйхатга олиш дафтари юритилишини, унга машина ҳайдовчисининг исм-фамилияси, машина русуми, рақами ёзилиши ва кузатувчи дафтарга имзо қўйишини, машина юк билан киритилаётганда қурилиш маҳсулоти ёки озиқ-овқат эканлиги ёзилишини, озиқ-овқат тури, вази дафтарга ёзилмаслигини, бу дафтар трансда, яъни назорат ўтказиш жойида сақланишини, бу китобни калония ходими ёки унинг раҳбари ололмаслигини, инструкция бўйича китоб ҳеч кимга берилмаслигини, шу пайтгача улардан китобни ҳеч ким



сўрамаганлигини, колония ичкарисидан ташқарига бирор бир маҳсулот чиқмаслигини, чунки ушбу колония ишлаб чиқаришга мослаштирилмаганлигини, навбатчиликда 4-5 киши туришларини, машинада келган маҳсулот колонияга кириши учун юк хати ва машинанинг киришига рухсат бўлсагина ичкарига киритилишини, уларда колония бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг имзо наъмуналари мавжудлигини, рухсатномаларда шу имзолардан бири бўлсагина юк ичкарига киритилишини, улар асосан тақиқланган маҳсулотларнинг олиб кирилишига йўл қўймаслик чораларини кўришларини, юк хатида кўрсатилган маҳсулот миқдори билан олиб кирилаётган маҳсулот миқдорида фарқ аниқланган тақдирда навбатчи қоровул бошлиғига, яъни унга хабар беришини, назорат ўтказиш жойида тарози ўрнатилганлигини, лекин жуда кўп миқдордаги маҳсулот кирадиган бўлса, маҳсулот танлов асосида ўлчанишини, тухум кирса саналишини, сут литрда ўлчаниб киритилишини, кўп миқдордаги маҳсулот киритилса, тахминий ҳисобланишини, сут идишга солинган ҳолатда ва нон ичкарига қўл билан киритилишини, сутга алоҳида, нонга алоҳида юк хати бўлишини, машина билан киритиладиган юклар дафтарда рўйхатга олинишини, қўл билан киритилган маҳсулотлар дафтарга рўйхатга олинмаслигини, дафтарга колонияда кирадиган машиналар рўйхатга олинишини, қўл билан кирадиган маҳсулотларда юк хати сақланишини, юк хати дафтарга ёзилмаслигини, колония ичкарисидан ташқарига ҳужжати бўлмаган ҳеч қандай маҳсулот чиқарилмаслигини, бунга йўл қўйилмаслигини, назорат ўтказиш жойида маҳкумлар қочишининг олдини олиш мақсадида машиналарни рўйхатга олиш китоби юритилишини, юк хатларининг йиғмажилди навбатчилик охирида бўлинмага топширилишини, уларда мавжуд бўлган юк хатлари колонияга қанча маҳсулот кирганлигини кўрсатишини, юк хати машина билан келган бўлса, давтарга ёзилишини, сут маҳсулоти кўрсатилган юк хати дафтарга ёзилмаслигини, 20-ЖИЭКнинг ходимлари кирмаган маҳсулот учун юк хати келтирмаганлигини, бунга йўл қўйилмаслигини, уларда сақланаётган юк хатларини ҳеч ким ололмаслигини ёки алмаштира олмаслигини, уларда сақланаётган юк хатлари ҳарбий қисмда штабда сақланишини, терговчи бу юк хатларини талаб қилиб олган ёки йўқлигини билмаслигини, йиғма жилдда мавжуд бўлган юк хатларининг нега дафтарга рўйхатга олинмай қолганлигини билмаслигини, ҳарбий қисмнинг ҳужжатлари колониядан рўйхатдан ўтмаслигини, улар колонияга бўйсунмасликларини, улардаги дафтарлар колония



девонхонасида рўйхатда турмаслигини билдириб кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ Д.Мусилманов,

5-6 йилдан буён 20-сон ЖИЭКда хизмат қилишини, колонияга олиб киритилаётган маҳсулотлар учун машинага рухсатнома, маҳсулот учун юк хати талаб этилишини, юк хатига кўрсатилган маҳсулотлар тўлиқ текширилиб киритилишини, кўп миқдордаги сабзавотлар олиб киритилаётган вақтда халталар танлов асосида ўлчаниб, умумий тахминий миқдор чиқарилишини, лекин ҳар бир халта тақиқланган маҳсулот кирмаслиги учун кўздан кечирилишини, миқдори тўлиқ текширилмаслигини, асосий мақсад тақиқланган маҳсулотларни киритилишининг олдини олиш эканлигини, китобни навбатчи соқчи тўлдиришини, юк хатида камчиликлар бўлса, маҳсулот ва юк хати қайтариллигини, юк хати тўғрилангандан сўнг юк ичкарига киритилишини, колония ходими ёки ҳарбий хизматчиси ҳисоблан кузатувчи дафтарга имзо қўйган ҳолатда машинани ичкарига омборга ёки ошхонага олиб киришини, назорат ўтиш жойидаги китоблар ва юк хатлари йиғмажилди фақат ўзларида сақланишини, навбатчилик охирида юк хатлари қайдномага илова қилинган ҳолда бўлинма командирига топширилишини, юк хатларида тузатишлар ёки бўялган жойлар бўлса, маҳсулот киритилмаслигини, юк хати билан олиб келинган маҳсулотларни ичкарига киритишда колония ходимлари, жумладан омбор мудирлари, ошхона мудирлари баъзида А.Нуруллаев ҳам иштирок этганлигини, колония ички ҳудудига кўп маҳсулот кирган бўлса, рухсатномага асосан ташқарига чиқарилиши мумкинлигини, фаолияти давомида полиз ёки сабзавот маҳсулотлари ичкаридан ташқарига чиққанлигини кўрмаганлигини, раҳбар ва унинг ўринбосари юк хатига маҳсулот ичкарига киритилишига рухсат бериш учун имзо қўйишини, юк хатида раҳбар имзоси ва муҳр бўлмаганда маҳсулот ичкарига киритилмаслигини, юк хати улар томондан колонияга қанча миқдорда қанақа турдаги маҳсулот олиб кирилаётганлигини аниқлаш учун сақланишини, маҳсулотни олиб келаётган колония ходими уларга фақат бир нусха юк хатини беришини, қолган 2 та нусхадаги юк хатларини солиштирмасликларини, юк хатлари уларга тақдим қилинмаслигини, ичкарига кирган машина ташқарига чиққанида ҳам текширилишини, машинада рухсатномаси бўлган маҳсулотларнинг олиб чиқилишига йўл кўйилмаслигини, юк хатлари ва дафтардаги юк хатлари сони йича муаммо бўлмаганлигини, фаолияти давомида



навбатчиликда турган вақтида кўп миқдордаги полиз маҳсулотлари колонияга киритилмаганлигини, лекин автомашина полиз маҳсулотлари билан тўлиб келган ҳолатни кўрганлигини, маҳсулот билан келган юк хатларининг барчаси дафтарга ёзилишини, улар дафтар билан бир хил бўлишини, полиз маҳсулотлари аравача билан киритилган ҳолатлар бўлмаганлигини, биринчи босқич суди давомида аравача билан сут киритилганлигини назарда тутиб 2-3 марта аравача билан маҳсулот кирганлигини айтган бўлиши мумкинлигини, терговдаги кўрсатувларини тўлиқ ўқимасдан баённомага имзо қўйганлигини, чунки ўша кун туғилган куни бўлганлигини, шошгани учун баённомани ўқимаганлигини, юк хатига бухгалтер имзоси ва муҳри қўйилишини, раҳбар рухсат учун имзо қўйишини, А.Нуруллаев асосан назорат ўтиш жойидан қурилиш молларининг олиб кирилишида иштирок этганлигини билдириб кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ
Ҳ.Асатуллаев,

2017 йил февраль ойида комендант лавозимида иш бошлаганлигини, бу лавозимда 2021 йилга қадар ишлаганлигини, вазифасига ташқи ҳудуд ободонлиги, инвентар жиҳозлар назоратини амалга ошириш кирганлигини, 2018 йил октябрь ойидан автомашиналар фаолияти билан боғлиқ масалалар хизмат вазифасига қўшимча сифатида юклатилганлигини, шу иш бўйича жавобгарликка тортилганлигини, текширувчилар автомашиналарда аниқлаган қўлбола мосламаларни ҳайдовчилар у иш бошлагунга қадар ўрнатганликларини, бу ускуналар машиналарга белгилаб берилган меъёрни назорат қилиш имконини берганлигини, яъни кўп юриган ва кам юриган машиналарнинг ёнилғиси биридан иккинчисига қўйилганлигини, ускуналар масофани кўпайтириб кўрсатишга хизмат қилганлигини, бу ҳисоботларни тўғри юритиш учун хизмат қилганлигини, енгил автомашиналар учун бир ойда 150 литр ёнилғи меъёри ажратилганлигини, аммо бу машиналар белгиланганидан кўп масофани босиб ўтганлигини, шу сабабли юк машиналарига ажратилган ёнилғининг бир қисми енгил автомашиналарга қўйилиб, уларнинг босиб ўтган масофаларини мосламалар орқали сунъий равишда кўпайтириб ҳисоботларнинг тўғри юритилиши таъминлаганлигини, ҳайдовчиларга ёнилғи йўл варақаларини инобатга олган ҳолда ажратилган меъёрга асосан берилганлигини, “ЗИЛ” машинаси Бухоро шаҳригача 30 км масофани босиб ўтиш учун 30 литр ёнилғи сарфлашини, аммо текширувчилар бу сарфни 10 литр қилиб ҳисоблаганлигини, ёнилғи сарфи билан йўл варақасидаги



ёзувлар тўғри келишини таъминлаш учун ҳайдовчиларга масофани 10 литр сарфдан келиб чиқиб кўпайтириб қўйишни айтганлигини, текширувчилар машиналар эскирганлигини инобатга олмаганлигини, 1980-1990-йилларнинг машинаси 30 км масофага 10 литр сарфлаши лозим бўлган ҳолатда 30 литр сарфлашини, ёнилғи ортиб қолган ҳолатлар деярли бўлмаганлигини, чунки кам юрийдиган машинадан кўп юрийдиган машинага ёнилғи қўйганликларини, карантин вақтида орттирган ёнилғиларини Тошкент шаҳрига маҳсулот олиб кетган юк машиналарига қўйганликларини, ёнилғини шахсий мақсадда ишлатмаганликларини, ёнилғини ўғирлаб бўлмаслигини, ҳамма жой камера эканлигини, барча ҳолатлардан хабари бўлганлиги, колония раҳбари ёнилғи борасида топшириқ бермаганлигини, бироқ машиналардан фойдаланиш бўйича қўшимча топшириқлар берилганлигини, яъни колонияга керак бўлиб қолганида шағалга бориб келинганлигини, тупроқ олиб келинганлигини, ерларнинг шўрини олдириб, тоза тупроқ ташлаттирилганлигини, буларни хужжатда кўрсатиб бўлмаслигини, етказилган зарарни тўлаб берганлигини, машиналарнинг меъёрдан ортиқ ёнилғи сарфлаганлиги бўйича юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қилмаганлиги ёки бирор бир хужжат тузиб қўймаганликларини, машиналарга аслида 30 литр ёнилғи бериб,

50 литр ёнилғи берганлиги ҳақида ёзиб қўйган ҳолатлари бўлганлигини, масалан “дамас” машинаси унга ажратилган меъёрдаги ёнилғини сарфлаб бўлгандан сўнг, бошқа машинага ажратилган ёнилғидан “дамас”га қўйиб, унга камроқ ёнилғи берилган бўлса-да, кўпроқ ёзиб қўйилганлигини, бу ҳолатларни далолатнома билан расмийлаштирмаганликларини, умуман олганда автомашиналар учун ажратилган меъёрдан ортиқ ёнилғи сарflanмаганлиги сабабли “сверх лимит” қилмаганлари ёки хужжат расмийлаштирмаганлигини, ёнилғи қўшиб ёзилганлиги ҳақида ҳайдовчиларнинг хабари бўлганлигини, бу ҳолатлардан колония раҳбарининг ҳам хабари бўлганлигини, унинг ўзи айтмаганлигини, 2018 йил 1 октябрдан комендант лавозимига ишга қабул қилинганлигини, унга қадар Р.Рофиев, ундан илгари Баҳром исмли йигит бу лавозимда ишлаганлигини, 2016 йил 1 январдан бошлаб тафтиш олиб борилганлигини, у иш бошлаган пайтга қадар бу ускуналар ўрнатилган бўлганлигини, аммо ҳайдовчилар тил бириктириб айбни унга юклганлигини, зарарни терговчи уни қамаш билан кўрқитгани учун тўлашга мажбур бўлганлигини, ёнилғи сарфи бўйича ГУИНга юриладиган ҳисоботни Анвар билан ҳамда бухгалтерияга



топшириладиган ҳисоботни Мақсуда билан тайёрлашини, у томондан топширилган ҳисоботларга ҳисобчи эътироз билдирмаганлигини, умуман олганда ёнилғи сарфи белгиланган меъёрдан умуман ортиқча ишлатилмаганлигини, комендант сифатида ташқи ҳудуд озодалигига жавобгар шахс ҳисобланишини, ҳайдовчиларда иш йўқлиги сабабли бўш вақти жуда кўплигини, К.Ҳайдаровга кириб ҳайдовчилар билан гаплашиб олиб, уларни тартибга чақаришни сўраганлигини, шунда К.Ҳайдаров ҳайдовчиларга унинг айтганини қилишлари кераклигини уқтирганлигини, шундан сўнг ҳайдовчиларда унга нисбатан шахсий адоват пайдо бўлганини, шу сабаб улар нотўғри кўрсатув берганлигини маълум қилиб кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ Ш.Ҳакимов, 20-сон ЖИЭҚда “ГАЗ-52” автомашинасини бошқарганлигини, бу машинада спидометрни олдинга айлантиришга хизмат қилувчи мослама бўлмаганлигини, уни қўл билан олдинга айлантирганликларини, Ҳ.Асатуллаев машина босиб ўтмаган масофага нисбатан спидометрни кўпроқ айлантириб қўйишни айтганлигини, фақат юрган масофасига ёнилғи олганлигини, масалан, машинада 1 км. масофа босиб ўтса, шунга яраша ёнилғи олганлигини, аммо 2 км қилиб олдинга айлантириб қўйган қисми учун ёнилғи бермаганлигини, ортиқча айлантирилган масофа бўйича ёнилғини сўраганида Ҳ.Асатуллаев “сенинг ишинг бўлмасин” деб айтганлигини, К.Ҳайдаров уларга бирор маротаба машинанинг спидометрини олдинга айлантириш бўйича топшириқ бермаганлигини, Ҳ.Асатуллаев уларга спидометрни олдинга айлантириш бўйича топшириқ берганида унга ҳам буйруқ бўлганини айтганлигини, баъзи бир ҳайдовчилар бу ҳолат бўйича Ҳ.Асатуллаев билан тортишганликларини, уларга берилмаган ёнилғининг нима қилинганлигини билмаслигини, Ҳ.Асатуллаевга нисбатан адовати йўқлигини, энг кўп 50 км масофани олдинга айлантирган ҳолати бўлганлигини, у бошқарган машина 100 км масофага 22 литр ёнилғи сарфлашини, Бухоро шаҳри ва колония ўртасидаги масофа 40-45 км, бу масофа учун машина 10-11 литр ёнилғи сарфлашини, “ЗИЛ-130” 100 км масофа учун 30-31 литр ёнилғи сарфлашини, Ҳ.Асатуллаев охириги маротаба 20 литр ёнилғи берганида машинада Бухоро шаҳрига келиб, у ердан қайтиб кетаётганида шахобчага борганда ёнилғи тугаганлигини, у гўёки олдим деб имзо қўйган ёнилғини аслида олмаганлигини, бу миқдордаги ёнилғи машинага қуйилмаганлигини, ҳайдовчилар бу талон-торождан норози бўлиб бир неча маротаба тортишганлигини, у ёш ҳайдовчи эканлигини, шериклари имзо қўйганлиги учун имзо қўйганлигини, К.Ҳайдаров бу ҳолатлардан хабари бор деб



ўйлаганлигини, Ҳ.Асатуллаевга бир неча мартаба шикоят қилганида, иши бўлмаслигини, унинг ўзи ҳам буйруқни бажараётганлигини айтганлигини, “ГАЗ-52” машинасини бошқарганини, 2019 йил тахминан май ойларидан иш бошлаганлигини, у бошқарган машина 1990-1991 йилларда ишлаб чиқарилганлигини, ёнилғи камомади бўйича бирор сўм зарар тўламаганлигини, янги “ЗИЛ” ҳам “ГАЗ-52” машиналарини ҳам бошқармаганлигини, бу машиналарнинг янгиси ҳам 100 км масофага 22 литр ёнилғи сарфлашини, Ҳ.Асатуллаев уларга бу ёнилғи камомади юзасидан Анварнинг ҳам, К.Ҳайдаровнинг ҳам хабари борлигини айтганлигини билдириб кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ Ш.Ядгаров, колонияга тегишли бўлган “ИСУЗУ” автобусини бошқарганлигини, ишчи ходимларни танишини, автобус 100 км масофага 18 литр дизел ёнилғисини сарфлашини, у бир кунда 10 литр ёнилғи олиб, 60 км масофа босиб ўтишини, автобусга Ҳ.Асатуллаев томонидан қўлбола мослама кўйилганлигини, у қурилма масофани сунъий кўпайтиришга хизмат қилганлигини, кўпайтирилган қисми бўйича ёнилғи олмаганлигини, ҳар куни 17 литр олдим деб имзо чекиб берганлигини, аммо 10 литр ёнилғи олганлигини, 5 нафар ҳайдовчи билан шу ҳолат содир этилганлигини, унга фақат Ҳ.Асатуллаев масофани олдинга айлантириб кўйиш юзасидан топшириқ берганлигини, олинмай қолган ёнилғи нимага сарфланганлигини билмаслигини, йўл варақага имзо кўйиб ёнилғи олганликларини, К.Ҳайдаровга бу камомад бўйича мурожаат қилмаганлигини, К.Ҳайдаров бу ҳолатлардан хабардор бўлган бўлиши мумкинлигини, бу камомад бўйича айнан К.Ҳайдаровга мурожаат қилмаганлигини, кечки пайт 5 да ишчиларни олиб кетиб, эрталаб келишини, бошқа ҳолатлардан хабари бўлмаганлигини, Когон шаҳар терговчилари келиб, қўлбола ускуналарни олиб кўйганликларини, бугунги кунда 10 литр ёнилғи олиб, шу ҳақидаги йўл варақасига имзо кўйиб келаётганлигини, ҳозирги кўрсатувлари тўғри эканлиги, терговда ҳам шу гапларни айтганлигини, унга кам ёнилғи берганида Ҳ.Асатуллаевнинг ўзи “бу ишнинг охири нима бўлса экан” деб айтганлигини, 40 йил ҳайдовчилик иш стажи мавжудлигини, текшириш натижасида 2016 йил 1 январдан бошлаб ортиқча ёнилғи сарфи аниқланганлигини, илгаридан нега ёнилғи сарфи меъёрдан кўп бўлганлигини билмаслигини, “ИСУЗУ” автобусини 2015 йилдан бошқарганлигини, машина 2013 йилда ишлаб чиқарилганлигини, у ҳеч қандай зарарларни тўламаганлигини билдириб кўрсатув берди.



Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ Ш.Ҳамроев, 2017 йил 20 декабрдан 20-сон ЖИЭҚда бош ҳисобчи лавозимига тайинланганлигини, 2021 йил 14 июль кунига қадар шу вазифада ишлаганлигини, шу вақтдан бошлаб 17-сон ЖИЭҚда ишлаб чиқариш корхонаси, ҳисоблаш ва режалаштириш гуруҳи мутахассиси лавозимига ўтиб кетганлигини, 2020 йил июнь ойларида Бухоро вилоят жазони ижро этиш бошқармаси ходимлари келганлигини, уларнинг қўлида О.Шароповнинг аризаси мавжуд бўлганлигини, текширувчилар келиб ўрганиш олиб борганларида уларга барча керакли ҳужжатларни тақдим қилганлигини, ўша пайтларда 15 кун давомида “СОВИД” касаллиги билан оғриб, карантинда сақланганлигини, ундан сўнг меҳнат таътилига чиқиб, тахминан 45-50 кун, яъни 2 ойга яқин вақт давомида ташкилотда бўлмаганлигини, меҳнат таътилидан қайтганидан сўнг текширувчилар ўрганишни якунлаб кетганлигини, аммо О.Шаропов бундан норози бўлиб юқори турувчи ташкилотга мурожаат қилганлигини эшитганлигини, натижада 18 ноябрда ИИБ ташқи назорат инспекцияси ходими ҳолат бўйича ўрганиш олиб бориш учун келганлигини, у ходим зарур ҳужжатларни талаб қилиб олиб, алоҳида хонада туриб текшириш ишлари олиб борганлигини, унинг қўлида бўлган рухсатномада текшириш давомийлиги О.Шаропов аризасида кўрсатган ҳолатлар бўйича савол-жавоблар охирига етгунига қадар давом этиши кўрсатилганлигини, текшириш жараёнида Когон шаҳар прокуратураси ходимлари кечки пайт 6-7 ларда барча ходимларни тўплаб, уларнинг кетиб қолишига рухсат бермасдан, ҳайдовчиларни маъмурият биносидан 1 км узоқликда жойлашган машиналар турар жойига олиб борганлигини, улар камералар назоратида автомашиналарга ўрнатилган қўлбола қурилмаларни олганликларини, моддий жавобгар шахсларни сўроқ қилиш ишлари бошланиб кетганлигини, бир вақтнинг ўзида вазирликдан келган текширувчилар аризада кўрсатилан ҳужжатларни бухгалтерия ҳужжатлари асосида текшира бошлаганлигини, текшириш якуни бўйича тузилган далолатномада 37 млн. сўмга яқин озиқ-овқат маҳсулотлари ички ҳудудга берилмаганлиги, бухгалтериядан чиқим қилинган юк хатлари билан назорат ўтиш жойидаги юк хатларининг бир бирига тўғри келмаслиги ёки мавжуд эмаслиги аниқланиб, талон-торож сифатида баҳоланганлигини, бундан ташқари ГСМ бўйича тузилган маълумотномада машина босиб ўтмаган йўлини ортиқча сарфга чиқарганлиги кўрсатилганлигини, бу ҳолат бўйича 50 млн. сўмдан ортиқ миқдордаги камомад аниқланганлигини, бу аниқланган камомадлар бўйича бухгалтериядан ҳужжатлар



ҳам талаб қилиб олиниб, текширилганлигини, 2019-2020 йиллар давомидаги кунлик навбатчилик рўйхати, кириб-чиққан автотранспорт воситалари рўйхатлари олиниб, бухгалтерия ҳужжатлари билан солиштирилганда фарқ чиққанлигини, юк хати 3 нусхада тузилганлигини, ички ҳудуддаги маҳкумлар эҳтиёжи учун марказий омбордан маҳсулотлар ички ҳудудга олиб кирилганлигини, моддий жавобгар шахс таъминот бўлими томонидан тасдиқланган кунлик таомномага асосан 15 кунлик ёки 1 ойлик маҳсулотлар бўйича юк хатларини тайёрлашини, ушбу юк хатлари моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланиб, раҳбар тасдиқлаганидан сўнг назорат ўтиш жойига олиб борилганлигини, 1 нусхаси ҳарбий қисмда, 2 нусхаси бухгалтерия ҳисоботларида акс этганлигини, текширувчилар ҳарбий қисмдан чиқмаган юк хатларини камомад сифатида баҳолаганлигини, бухгалтерия ҳисоботини юк хатларига асосан олиб боришларини, текширув жараёнида бухгалтерия ҳужжатларидан камчилик чиқмаганлигини, маҳсулотларни олиб киришда моддий жавобгар шахс, марказий омборхона мудирлари А.Латипов, эспедитор О.Шаропов, ошхона мудирлари У.Зокиров, ушбу моддий жавобгар шахслар фаолиятини Р.Шаропов, А.Нуруллаевлар назорат қилганликларини, моддий жавобгар шахслар ҳар ойнинг охирида ҳисобот топширганликларини, сентябрь ойларида А.Нуруллаев апрель ва июнь ойларидаги юк хатларини олиб кирганлигини, 4-5 ой илгари тузилган юк хатига имзо қўйиб беришни сўраганлигини, танишиб чиқиб имзо қўйишини айтгани ва масъул ҳисобчисини чақириб тушунтириш беришни талаб қилганлигини, ҳисобчиси А.Нуруллаев келиб Аббосни чақириб, ҳисобчисидан апрель ва июнь ойларидаги “склад чист” ҳисоботларини олиб чиқиб беришни сўраганлигини, олиб чиққанидан сўнг Аббосдан юк хатидаги ёзув кимники эканлигини сўраганлигини, унга Шамсияни ёзуви эканлигини айтганлигини маълум қилганлигини, ўша пайтда А.Нуруллаев Аббосга “ўзидек қилиб ёзгин” деб топшириқ берганлигини айтганлигини, А.Нуруллаев ўша юк хатларини унга олиб кирганлигини, имзо қўйишни рад қилганида раҳбар К.Ҳайдаров қўнғироқ қилиб, Анвар олиб кирган ҳужжатларга имзо қўйиб беришни талаб қилганлигини, унга ҳужжатларни ўрганиб чиқиб имзо қўйишини айтганлигини, бухгалтерияга кириб, Аббосдан нега бунақа ноқонуний ишларни қилаётганлигини сўраганида, унга А.Нуруллаев ва раҳбар топшириқ бериб, “ишинг бўлмасин” деб айтганликларини маълум қилганлигини, О.Шаропов ОИНга берган дастлабки аризасида май ва июнь ойларида ички ҳудудга қанча маҳсулот амалда қилмаганлигини маълум қилганлигини билганлигини,



олдинги юк хати билан унга олиб кирилган юк хатларини расмга олганлигини, бу ҳолат 11 сентябрда бўлганлигини, Когон прокуратурасига ўша расмларни тақдим қилганлигини, юк хатида А.Латипов Умидни имзосини ўхшатиб қўйганлигини билдирганлигини, бу ҳолатларни дастлабки терговда ҳам айтганлигини, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сметада кўрсатилган пул миқдорида 100 фоиз олдиндан тўлов қилиб олинганлигини, бу маҳсулотлар колонияга олиб келинмаслигини, у “Зиё-Қобул” шахобчасида сақланишини, Ҳ.Асатуллаев масъул шахс бўлиб, ой охирида ҳисобот тақдим этганлигини, ҳисоботни машинанинг қанча масофа босиб ўтганлиги ва неча литр ёнилғи сарфлаганлиги, бакда қанча қолдиқ қолганлиги кўрсатилишини, ҳисобчиси Адизова ҳисоботни қабул қилишини, Ҳ.Асатуллаев топширгани учун имзо қўйса, колония раҳбари ҳисоботни тасдиқлаб имзо қўйишини, унга илова қилиб ҳар бир ҳайдовчининг босиб ўтган масофаси бўйича имзо қўйган йўл варақалари тақдим этилиб, бухгалтерия ҳисоботига тикиб борилишини, ушбу ҳисоботларни ўзи тайёрлайдиган ойлик ва чораклик ҳисоботларга киритиб, бош китобига кўрсатиб ўтганлигини, барча ҳисоботлар юзасидан Тошкент шаҳрига бориб баланс ҳисоботи топшириб келганлигини, судлов ҳайъатига тақдим этган ҳужжатлари юзасидан А.Латиповнинг унга раҳбарлар томонидан берилган буйруқ натижасида юк хатларини ўзгартиришга мажбур бўлганлиги ҳақидаги тушунтиришлари мавжудлигини, бунини тақдим этишини, бу ҳолатларга қадар у ва У.Нуруллаев ўртасида келишмовчилик бўлмаганлигини, бош ҳисобчи бўлганида у кассир бўлганлигини, олий маълумотли, билимли кадр бўлгани учун Р.Шароповнинг таклифи билан таъминот бўлими бошлиғи этиб тайинланганлигини, ҳеч кимга нисбатан адовати ёки хусумати бўлмаганлигини, тақдим этилган ҳужжат А.Латипов томонидан 2021 йил 19 январда ёзилганлигини, жиноят иши очилганида вазирлик келиб ҳужжатли тафтиш ўтказганлигини, 1 ойлар ўтиб, солиқ бошқармадан, назорат тафтиш бошқармасидан, аудитдан 5 нафар ходим келиб 5 йиллик тафтиш ҳужжатларини текширганлигини, тақдим этаётган тушунтириш хати А.Латипов ва А.Нуруллаев томонидан терговчи ҳузурида ёзилганида олдида бўлганлигини, тафтиш ҳужжатларининг бир нусхаси бухгалтерияга қолдирилганлигини, шундан нусха олганлигини, юк хатини унга А.Нуруллаев олиб кирганлигини, ўшанда нусха олганлигини, О.Шаропов аризасида қайси санада қандай маҳсулотлар кирмаганлигини аниқ кўрсатганлигини, судланувчилар назорат ўтиш жойида бўлмаган юк хатларини



бухгалтериядан олиб уларга топшироқчи бўлган бўлиши мумкинлигини, тафтиш жараёнида биринчи навбатда бухгалтерияда иш бошланганлигини, қандай ҳужжатлар керак бўлса ундан сўраб турганликларини, департамент ходими Азиз деган йигит қўнғироқ қилиб, “иш вақти тугаган. А.Латипов ва У.Зокиров кутиб турибди. Ҳужжатларингизни олиб келганда уларни ҳам олиб келинг” деб айтганлигини, шу сабабли уларни департаментга олиб борганлигини, бош ҳисобчи сифатида Молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сонли “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги буйруғи билан тасдиқланган йўриқномага асосан фаолият юритганлигини, бу 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилганлигини, 2011 йил 1 январдан кучга кирганлигини, барча кирим-чиқим ҳужжатлари, ҳисоботлар, мемориал ордерлар шу йўриқнома асосида юритилиши ҳамда ИИВ назорат тафтиш бошқармаси томонидан йилида 1 маротаба шу йўриқнома талаблари доирасида текширувлар ўтказилганлигини, ҳар 3 ойда бир маротаба Тошкентга тақдим этадиган баланс ҳисоботлар ҳам шу йўриқнома доирасида тузилганлигини, “Бухгалтерия ҳисоби” тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасига асосан бухгалтерия ҳисобини юритишни ташкил этиш унинг мажбурияти этиб белгиланганлигини, А.Нуруллаев унга сентябрь ойида апрель ва июнь ойига тегишли бўлган юк хатларини олиб кирган вақтида бу даврларда кирим-чиқимлар амалга оширилиб бўлинганлиги боис бу ўтган даврдаги инвентаризацияни амалга ошириш имконияти қолмаганлигини, ИИВ томонидан ҳар йил октябрь ойида тизим муассасаларида инвентаризация ўтказиш бўйича тегишли буйруқ тасдиқланишини, шунга асосан колония раҳбари ҳам бу масалада буйруқ чиқарганлигини, уларда 20 дан ортиқ моддий жавобгар шахслар ҳисобида турувчи товар-моддий бойликлар мавжудлигини, 105-сонли буйруқ талабларидан келиб чиқиб бир йилда бир маротаба инвентаризация, тўсатдан текширувлар, юқори турувчи ташкилотнинг тафтиши амалга оширилиб келинганлигини, текширувлар ҳам 105-сонли буйруқ асосида тафтиш олиб борганликларини, айбловда эълон қилинган юк хатларининг 10 тасида маҳсулот топширгани учун А.Латипов, олгани учун О.Шаропов имзо қўйганлигини, ички ҳудудга ташқи ҳудуддан олиб кирилатган маҳсулотларнинг бухгалтерия балансида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги борасида йўналиш бухгалтерини чақириб аниқлик киритиб, муассаса раҳбари маҳсулот киришига руҳсат бериб имзо қўйиб, муҳр билан тасдиқлаганидан сўнг юк хатига имзосини қўйиб, муҳр билан тасдиқлаганлигини, раҳбар имзо қўйгандан сўнг у имзо



қўйганлигини, унинг ёки ўринбосарининг имзоси қўйилмаган тақдирда ҳам маҳсулотлар ичкарига кирган ҳолатлар бўлганлигини, раҳбар имзоси маҳсулот ичкарига киришига рухсат берилганлигини аниқлашнинг, юк хатидаги имзоси кўрсатилган маҳсулотлар бухгалтерия ҳисобида мавжудлигини тасдиқлаш учунгина хизмат қилганлигини, Ш.Мухаммедова озиқ-овқат масалалари бўйича ҳисобчи бўлиб, унга бўйсунганлигини, 5 талик комиссияси бухгалтерияга бўйсунмаслигини, раҳбар буйруғи билан тузилганлигини, бу комиссия доим ҳам ишламаганлигини, масалан, тезкор қидирув ходими 3 кунга бир ишга келганлигини, аммо у келмаган кунларда ҳам маҳсулот ичкарига кирганлигини, моддий жавобгар шахс бухгалтерияга ҳисоботни топширганида К.Ҳайдаровнинг тасдиғи бўлганлигини, ҳисоботларни кўриб чиқиб, “бош китоб” асосида “сумарни” олишини, яъни “100 кг маҳсулот бор эди. 20 кг чиқим қилинди. Яна 10 кг келди. Қолдиқда 90 кг қолди” деб ҳисобот тузилганлигини, ҳисоботлар бўйича эътирозлар бўлмаганлигини, йиллар давомида тузилган баланслар ҳақиқийлигини йўқотмаганлигини, Ш.Мухаммедова унга ўзгартириш киритилган юк хатини олиб кирганида бу ўзгартиришни кўриб жаҳли чиққан ва О.Шароповга қўнғироқ қилиб, тезроқ келишини, бу масалага раҳбарга кириб ойдинлик киритишлари лозимлигини айтганлигини, Ш.Мухаммедовага эса “сен бориб ишингни қилавер. Бу масала билан ўзим шуғулланаман деб” айтганлигини, О.Шаропов келганлигини, аммо раҳбар кетиб қолгани учун олдига кира олмаганликларини, 4-5 соат вақт ўтиб О.Шаропов унга қўнғироқ қилиб раҳбарнинг олдига кирганлиги, раҳбар бу тузатишга унинг ўзи жавоб беришини айтганлигини билдирганлигини, О.Шаропов К.Ҳайдаровнинг энг яқин кишиси бўлганлигини, раҳбар “Обид палончини епди. Мен шу ерда раҳбарман” деб айтгани учун ўзгартирилган юк хати борасида юқори турувчи ташкилотга мурожаат қилмаганлигини, жиноят иши келиб чиқмагунга қадар маҳсулотларнинг ичкарига киритилмаганлигини билмаганлигини, 2017 йил 27 декабрь куни ишга борганлигини, Баҳром деган кишини танимаганлигини, Ҳ.Асатуллаевга ёнилғи мойлаш масалари юклатилган вақтда топшириш-қабул қилиш ишлари кимлар иштирокида қачон қилинганлигини билмаслигини, раҳбар Ҳ.Асатуллаевга буйруқ билан вазифа юклатилган бўлса, ундан ҳисобот қабул қилмасликка ҳаққи бўлмаганлигини, шу учун ҳисоботни қабул қилганлиги ва ҳужжатли назоратни амалга оширганлигини, колония раҳбаридан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома мавжуд ёки йўқлигини билмаслигини, чунки ундан олдин ишга келганлигини, С.Амонов, А.Ашуров,



Ҳ.Адизов Н.Рахматова, А.Латипов, Н.Латипов, Ф.Хидиров ва бошқалар моддий жавобгар шахс ҳисобланишини, А.Нуруллаев моддий жавобгар шахс ҳисобланмаслигини, тафтиш давомида айбловдаги 11 юк хатлари бўйича тузилган далолатнома билан танишганлигини, нечтасида бухгалтер имзоси борлигини билмаслигини, 559-сонли юк хатидаги имзо Б.Амоновга тегишли эканлиги, 813-сонли юк хатида Д.Файзиев, 700-сонли юк хатида унинг имзоси борлиги юзасидан кўрсатув берганлигини, имзолар юк хатида кўрсатилган маҳсулотлар харажат қилингани учун имзоланганлигини, нега жиноят ишида айнан у имзолаган юк хати борлигини билмаслигини, юк хатининг 3-нусахаси ҳарбийларга берилмаган бўлиши мумкинлигини, К.Ҳайдаров топшириғи билан унга нисбатан 3 маротаба хизмат текшируви ўтказганликларини, бирор бири ўз тасдиғини топмаганлигини, жазоланмаганлигини, К.Ҳайдаровга нисбатан адовати мавжуд эмаслигини, юк хатидаги рақамлар бухгалтериядан олинганлигини, А.Нуруллаев сентябрь ойига келиб, апрель ва июнь ойидаги юк хатига имзо чектиришга ҳаракати шубҳага сабаб бўлганлигини, Шерзод исмли терговчига сохталаштирилган юк хатларини берганлигини, аммо кейин терговчи ўзгариб ишни Дадахон олиб борганлигини, Ш.Мухаммедова ўзгартирилган юк хатини олиб кирганида қаршилик қилишга ҳаракат қилганлигини, раҳбарнинг гапидан сўнг қаршилик қила олмаганлигини, имзо қўйишдан бош тортганида ички телефондан раҳбар телефон қилиб, нима сабабдан юк хатига имзо қўйишдан бош тортаётганлигини сўрганлигини, ўрганиб имзо қўйишини айтганлигини, 11 сентябрьда тушунтириш хатини эмас А.Нуруллаев олиб келган юк хатини расмга тушириб олганлигини, тафтиш ноябрь ойларида бўлганлигини, А.Латипов тушунтириш хатини январь ойларида ёзганлигини, шундан сўнг ҳолатни тушуниб етганлигини, бухгалтерия хужжатларида кирим-чиқимларни шакллантиришига шартнома ғазначилик бошқармасидан ўтказилиб, маҳсулот қийматининг 15 фоизи тўлаб берилишини, экспедитор маҳсулотни тўлиқ олиб келганидан сўнг имзо қўйиб тасдиқлашини, экспедитордан маҳсулотни қабул қилиб олган омборхона мудири “нокладной” тузиб беришини, шунга асосан қолган

85 фоизини тўлаб беришини, маҳсулот юк хатига асосан харажат қилиб борганлигини, етказиб берувчи маҳсулотни кам берганида бухгалтер иштирокида гуруҳ бориб далолатнома тузишини, бошқа ҳолларда тезкор қидирув гуруҳи ходими комиссия аъзолари билан бориб маҳсулотларни текшириб
ришини билдириб кўрсатув берди.



Апелляция инстанцисида сўроқ қилинган гувоҳ О.Шаропов, колонияга маҳсулот олиб келиш учун дастлаб ташкилотлар билан шартнома тузилишини, ундан сўнг ташқи омборга маҳсулот келиб тушишини, маҳсулот юк хати асосида ташқи омбордан ички омборга олиб кирилиши лозимлигини, барча камчиликларни аризасида келтирганлигини, 2008 йилдан 2020 йилгача шу 20-сонли ЖИЭКда ишлаганлигини, 2020 йил 1 апрелдан меҳнат таътилига чиққанлигини, 27-28 апрелда ишга қайтганлигини, 1 май куни мендан иккита ариза ёздириб олганликларини, уларнинг бири нафақага чиқиш учун, иккинчиси қайта ишга кириш учун бўлганлигини, 15 майга қадар номига ишончнома чиқариб, ташкилотлардан озиқ-овқат ва қурилиш маҳсулотларини келтириш билан шуғулланганликларини, 15 июнга қадар унинг буйруғи чиқмаганлигини, натижада ораларида низо келиб чиққанлигини, шундан сўнг колониядаги бўлаётган нотўғри ишлар бўйича ИИБ га ариза ташлаганлигини, аризани кўрмасдан чўзиб, ОИНга йўналтирганликларини, бу ташкилот бир неча мартаба келиб, унинг важлари асоссиз эканлиги тўғрисида хулоса қилиб, ҳолатни ёпиб кетганлигини, прокуратурага ёзганидан сўнг ИИВДан тафтиш келганлигини, уларга барча камчиликларни кўрсатиб берганлигини, камомад ва киритилмаган маҳсулотлар аниқланганлигини, ариза ёзган даври бўйича колония ичкарасига маҳсулот кирганлиги камомад саналмаслиги, балки маҳсулотни иқтисод қилиш, тежаб қолиш ҳисобланишини, маҳсулот олинадиган фирма билан 10 тоннага шартнома қилинса-да, аслида 8 тонна маҳсулот ташқи омборга олиб келинганлигини, кейинчалик маҳкумларга 10 кг бериш лозим бўлса, 8 кг бериб олиб келинмаган 2 тонна маҳсулот баланс ҳолатига келтирилганлигини, ташқи омбор мудир А.Латипов ичкарига олиб кирилмаган 2 тонна маҳсулотни топширганлиги ҳақидаги юк хатига топширувчи сифатида имзо қўйганлигини, раҳбар К.Ҳайдаров ундан қабул қилмаган 2 тонна маҳсулотни қабул қилгани ҳақида ушбу юк хатига имзо қўйишини талаб қилганлигини, олиб кирилмаган маҳсулотни кирди деб китобга ёзганлигини, ташқи омбордан чиққан маҳсулот ичкарига олиб кирилгунга қадар 3 жойдан рўйхатдан ўтишини, ташқи омбордан чиққанда, 500 метрдан сўнг жойлашган КППда ва ҳарбий қисмдан рўйхатдан ўтказилиб олиб кирилишини, назорат ўтиш жойидаги ҳарбийлар ҳужжати бўлмаса 1 та пашшани ҳам ичкарига киритмаслигини, аммо олиб кирилмаган маҳсулотларни олиб кирилди деб кўрсатилган барча ҳолатларни юк хатлари асосида исботлаб берганлигини, 12 йил давомида 6 та раҳбар билан ишлаганлигини, жазо



олмаганлигини, нафақага чиқаришни режа қилган бўлса, нима сабабдан уни узоқ вақт олиб юрганликларини, манашунинг натижасида низо келиб чиққанлигини, 2019 йил 16 августдаги 623-сонли, 7 сентябрдаги 748-сонли, 559-сонли, 11-сентябрдаги 700-сонли, октябрдаги 813-сонли, 23-декабрдаги 974-сонли юк хатлари асосида аслида олиб кирилмаган, аммо уларга олганлиги тўғрисида имзо қўйдирилганлигини, ўз навбатида, бу юк хатлари ҳарбий қисм йиғмажилдидан топилмаганлигини, бу юк хатларининг барчасида қабул қилувчи сифатида унинг имзоси қўйилганлигини, топширувчи сифатида А.Латипов имзо қўйганлигини, бу юк хатларига яна раҳбар ёки ўринбосарлари ва бош ҳисобчи имзо қўйганлигини, К.Ҳайдаров мажбурлагани сабабли олмаган маҳсулотини олгани тўғрисида имзо қўйиб берганлигини, раҳбар ундан ташқи омбордаги маҳсулот қолдиғини камайтириш лозимлигини талаб қилганлигини, имзо қўйишни рад қилганида раҳбар битта эканлигини, нафақагача бир йил вақти қолганлигини, муаммо келиб чиқса, ўзи жавоб беришини айтиб, унга “сен бўлмасанг, санамжон” деб киноя қилганлигини, имзо қўйишини талаб қилганлигини, маҳсулотларнинг 80 фоизи К.Ҳайдаровнинг қариндошларига тегишли бўлган корхоналардан олиб келинганлигини, тежаб қолинган маҳсулотлар нима қилинганлигини билмаслигини, пулларнинг барчаси унинг қариндошларига тегишли бўлган фирмаларга йўналтирилганлигини, ишдан кетгандан сўнг ҳам 360 кг шўр бодиринг ва 2,5 тонна картошка олиб кирилганлиги тўғрисида ноқонуний ишлар қилинганлигини, А.Латиповга бу ишни қилмасликни айтганлигини, юк хатини ҳарбийларга улар берганлигини, ичкарида кирим-чиқим китобини юритганлигини, меҳнат таътилидан келганимдан сўнг А.Нуруллаев бу китобни унга берганида қабул қилмаганлигини, чунки у бўлмаган вақтда китобга сохта ёзувлар киритилганлигини, буларнинг барчаси К.Ҳайдаровнинг топшириғи билан бўлганлигини, у 1 июлга қадар бу ҳолатлар бўйича ариза билан мурожаат қилмаганлигини, маҳсулотларнинг кирмаганлиги ҳақида Р.Шаропов ҳам А.Нуруллаев ҳам хабари бўлганлигини, чунки А.Нуруллаев кунлик қабул қилинган маҳсулот ҳақида Республикага ахборот берганлигини, Р.Шаропов ва А.Нуруллаевларга бу ҳолатлар ҳақида айтганида индамаганлигини, чунки раҳбар топшириғини бажарганликларини, У.Зокиров унга кам маҳсулот берилишидан шикоят қилиб келганлигини, маҳсулотни маҳкумлар ўлчаб олиб кетганлигини, кейин маҳсулот камлиги ун У.Зокиров унга шикоят қилиб келганлигини, раҳбарга



бориб шикоят қилиши мумкинлигини айтганлигини, аммо судда У.Зокиров нотўғри кўрсатув берганлигини, озиқ-овқат маҳсулотлари учун юк хати 3 нусхада тузилишини, 1 нусхаси А.Латиповда, 1 нусхаси бухгалтерияга, 1 нусхаси ҳарбийларга берилганлигини, маҳсулот олгани ҳақида китоб юритганлигини, юқорида ҳарбийлардан чиқмаган юк хатларини ҳам китобга ёзганлигини, чунки раҳбар шунга мажбур қилганлигини, меҳнат таътилига чиққанига қадар ичкарида 360 кг бодиринг салённи, 2,5 тонна картошга йиғилганлигини, меҳнат таътилидан қайтганига қадар буни сохта ёзувлар билан балансга келтирганликларини, олиб келинмаган маҳсулотлар ҳақида у ҳам А.Латипов ҳам билганликларини, ОИИдан текшириш келгандан сўнг К.Ҳайдаровлар 11 сентябрда ҳарбий қисмда бўлмаган юк хатларини уларга топширишга ҳаракат қилганликларини, олмаган маҳсулоти юзасидан аризалар ёзганлигини, аммо кўрилганлигини, К.Ҳайдаров билан келишмовчилиги борлигини, ундан 1 май куни ариза ёздириб олиб, 15 май кунига қадар олиб юриб, орқа сана билан буйруқ чиқариб, аризага имзо қўйишдан бош тортагани ҳақида сохта далолатномалар тузганликларини, К.Ҳайдаров 3 июль кунига қадар телефон қилиб, прокуратурага бормаслигимни илтимос қилиб келганлигини, 5 июль куни уй телефонида кўнғироқ қилиб, “мен сенга должен эмасман. пашол” деб айтганлигини, А.Нуруллаев ва Р.Шариповларга охири ёмон бўлишини айтганлигини, улар ҳам раҳбарнинг айтганини қилишга мажбур бўлганлигини, Ёжудувон туман “Зарангари” МФЙда яшашини, К.Ҳайдаровнинг қариндошлари ҳам шу ерда яшашини, колонияга маҳсулотлар унинг қариндошларига тегишли ташкилотлардан олиб келинганлигини аниқлаганлигини, буни ИИВга ёзган тушунтириш хатларида тан олганликларини, 4-5 та ташкилотдан маҳсулот келган бўлса, барчаси Жамшид исмли қариндошига тегишли бўлганлигини, Маҳмуд Ҳасан дегани судга олиб келганликларини, у аслида раҳбар эмаслигини, уни умуман кўрмаганликларини, 2021 йил 19 июндан раҳбар сифатида Маҳмуд Ҳасанни қўганликларини, унгача К.Ҳайдаровнинг қайнота-қайинакаси раҳбар бўлганлигини, 24 июнгача колонияга кириб чиққанлигини, 1 июлда ариза ёзганлигини, ноябрь-декабрь ойларида тафтиш тайинланганлиги ҳақида хат келганлигини, шу тафтиш билан барча жиноятлар очилганлигини, бу кўрсатмаларини ўз хохиши билан бераётганлигини, тазйиқ бўлмаганлигини, ички ҳудудда ҳар ой прокуратура келиб текшириш олиб борганидан хабари бўлмаганлигини, тергов ва суддаги кўрсатувларимни



тасдиқлашини, олиб кирилмаган
1 тонна картошкани китобга кирим қилганлигини, шунинг
натижасида ҳарбийларда бу юк хатларининг йўқлигини
билинганлигини, назарот ўтиш жойига А.Латипов ва У.Зокиров
кирганликларини, ҳарбийлар улардан мустақил саналишини,
улар ўзларига топширган юк хатларинигина сақлаб
қўйишганлигини, олиб кирилмаган маҳсулотлар ҳақида
ҳарбийларга айтмаганлигини, улар кирмаган маҳсулотни
билмаганлигини, бу ҳақида уларга айтишга мажбур
эмаслигини, олиб кирилмаган маҳсулотлар юзасидан
манфаатдор бўлмаганлиги ва зарарни тўламаганлигини, бу
маҳсулотларни К.Ҳайдаров талон-торож қилган ва шу сабабли
кейин пулларни унинг ўзи тўлаб берганлигини, маҳкумларга 10
кг маҳсулот бериши лозим ҳолатда 8 кг берганликларини,
шунининг натижасида йўқ маҳсулотнинг ўрни қоплаб
борилганлигини, У.Зокиров ҳам шу мазмунда тушунтириш
берганлигини, кейин кўрсатувларини ўзгартирганлигини,
Жумаев овқатнинг таъмини, сифатини текширганлигини,
номига имзо қўйганлигини, килоси учун масъул
бўлмаганлигини, К.Ҳайдаров уни ишга қабул қилганида шикоят
қилмаган бўлишини, К.Ҳайдаров 4 январда “Семурғ”га уйига
бориб, аризасини қайтариб олса, ишини давом эттиришни
айтганликларини, ичкарида тежаб қолинган маҳсулотларнинг
ташқарига олиб чиқилгани ҳақида кўрсатув бермаганлигини,
ичкаридан маҳсулотни олиб чиқиб бўлмаслигини, аризаси ва
кўрсатувларида К.Ҳайдаров тежаб қолинган маҳсулотларни
колониядан уйига олиб кетган деб айтмаганлигини, хато ёзган
бўлши мумкинлигини, барча жойларда маҳсулотлар тежаб
қолинганлиги ҳақида ёзганлигини, апрель ойида нафақага
чиқмаганлигини, 2018-2020 йиллар учун камчиликлар ҳақида
айтганлигини, раҳбар иши бўлмаслигини айтганлигини, 2021
йил

18 январдаги тушунтириш хатида К.Ҳайдаровнинг ноқонуний
топшириқларини бажарганлиги ҳақида ёзмаган бўлиши
мумкинлигини, аммо барча аризаларида буни кўрсатиб
келганлигини, тушунтириш хатида магазиндаги маҳсулотлар
ҳақида ёзганлигини, имзоларни ўзи қўймаганлигини, аммо
имзо қўйганини айтиб мардлик қилганлигини, бу тушунтириш
хатидаги ҳолатларнинг бу жинойт ишига даҳли йўқлигини, 28
августдаги аризасида К.Ҳайдаров ҳақида ёзмаган бўлиши
мумкинлигини, аммо ИИБ, прокуратура органларига,
тафтишчиларга ёзган аризаларида К.Ҳайдаровнинг ноқонуний
ҳаракатлари ҳақида ёзганлигини, аризаларидаги ҳолатларни
текширувчиларга тасдиқлаб берганлигини, қурилиш бўйича
ган аризалари тўғри текширилмаганлигини, ИИБ ОИН бу



камчиликларни ёпганлигини вилоят прокурори Файзиев номига ёзган аризасини ўзи ёзганлигини, қайси компютерда ёзилганлигини эслай олмаслигини, аризани Когон шаҳар прокуратурасига берган бўлишим мумкинлигини, ариза рўйхатга олинмаган бўлса, у айбдор саналмаслигини, аризани кимга топширганлигимни эслай олмаслигини, аризаларини бирор кишига имзолатиб бермаганлигини, ҳарбийларда юк хати чиқса, маҳсулот ичкарига кирган ҳисобланишини, 559-сонли, 700-сонли, 813-сонли юк хатларини ўзи тўлдирганлигини, К.Ҳайдаров айтганлиги сабабли бу юк хатларига ўзгартириш киритганлигини, ОИН келиб текширгандан сўнг бу юк хатлари судланувчилар томонидан ҳарбийларнинг йиғмажилдига тегишганлигини, ёз оёқларида ариза берганлигини, ОИН келиб текширганлигини, ундан сўнг тузилиб қўйганликларини, тафтиш даврида бу юк хатлари пайдо бўлганлигини, бош ҳисобчи қолдиқда бўлса юк хатига имзо қўйишини, 4 январдаги тушунтириш хатидаги ёзув ва имзо унга тегишли эканлигини, унда 623, 700, 559, 824, 813-сонли юк хатларида имзоси бўлгани учун маҳсулотларни олганлиги ҳақида ёзганлигини, аммо кейинчалик олмаганлигини айтганлигини, экспедитор сифатида корхона ва ташкилотлардан маҳсулотларни санаб олиши кераклигини, ишончномада унинг ими кўрсатилса-да, А.Латипов маҳсулотларни санаб олганлигини, улар ҳаммалари моддий жавобгар шахс ҳисобланганликларини, ишончнома берилган шахс жавобгар ҳисобланишини, юк хатига 4 киши имзо қўйишини, ҳаммаси жавобгар шахс ҳисобланишини, бўлмаган тақдирда ўрнига ким имзо қўйишини билмаслигини, К.Ҳайдаров, А.Нуруллаев ва Р.Шароповлардан топшириқ олганлигини, таъминот бўлими ходими ҳисобланганлигини, раҳбарлар назоратни юритганлигини, 1 тонна гуруч келса, уларнинг берган ҳужжатларига асосан А.Нуруллаев ўзига кирим қилганлигини, ҳафтанинг охирида Республикага маълумот берганлигини, А.Нуруллаев ноқонуний ҳолатларни билган лекин ҳеч қандай чора кўра олмаганлигини, ишлаган вақтида А.Нуруллаев таътилга кетганини эслай олмаслигини, у бўлмаганида ҳужжатларни Р.Шаропов юритганлигини, ҳарбийларда юк хати мавжуд бўлса, маҳсулот ичкарига кирган ҳисобланишини, Р.Шароповнинг имзоси маҳсулот ичкарига ўтказилиши учун керак бўлганлигини, раҳбар имзо қўйгандан сўнг бориб маҳсулот амалда кирганлигини кўриши лозимлигини, 2020 йил 1 апрелда меҳнат таътилига чиқганлигини, китобни А.Нуруллаевга қолдирган эканлигини, бўлмаган вақтида китобга сохта имзолар билан нотўғри маълумотлар киритилганлигини, деярли барча озиқ-овқат



маҳсулотлари К.Ҳайдаров қариндошларига тегишли корхоналар томонидан олиб келинганлигини, тендерлар ноқонуний бўлганлигини, А.Азизов, Баротов, А.Файзиев каби раҳбарлар билан ишлаганлигини, ичкаридаги маҳсулотларни кирим-чиқим китобини юритганлигини, кунлик харажатлар миқдорини К.Ҳайдаров ўзининг қоғозчаларига ёзиб маҳкумлар билан бериб юборганлигини, шунга асосан харажатга чиқарганлигини, кам берган бўлсаганида, жазоланган бўлишини, К.Ҳайдаров аризасини қайтариб олиши учун пул ваъда қилганлигинида, рад қилганини, шундан сўнг К.Ҳайдаров уни судга ёки прокуратурага олиб боролмаслигини билдирганлигини, 1,5-2 тонна маҳсулот тежалганини кўрганлигини, А.Латиповга келиб тушган маҳсулот 5 кишилик комиссия томонидан бирор маротаба бориб кўрилмаганлигини, келган маҳсулотлар бўйича унга ишончнома берилганлигини, ўзи санаши керак бўлганлигини, далолатнома номига тузилганлигини, уларга имзо қўймаганлигини, бундай далолатнома бўлмаганлигини, фақат ишончномага имзо қўйганлигини, унга илова қилинган юк хатига имзо қўйганлигини, далолатномада А.Латипов имзо қўйганлигини, унинг бухгалтерияга топшириладиган юк хатида имзоси бўлганлигини, далолатномага имзо қўймаганлигини, олдинги раҳбарлар даврида 5 кишидан иборат комиссия мавжуд бўлганлигини, аммо К.Ҳайдаров даврида бу комиссия ишламаганлигини, 360 кг бодиринг солённи ва 2,5 тонна картошка бўйича 279-сонли юк хати бўлмаганлигини, текширув келишидан олдин ҳарбийларга бериб қўйганликларини, раҳбар трансга кириб чиққанлигини, хизмат вазифалари бўйича тузилган ҳужжатдаги имзолар унга тегишли эканлигини, ички омбор бўйича ҳисоботларни ўзи берганлигини, А.Нуруллаев қабул қилиб олганлигини, ички омбор бўйича бухгалтер Шамсия унга ҳисоботларни тайёрлаб берганлигини, раҳбар ва бухгалтер имзо қўйгандан сўнг имзо қўйганлигини, раҳбар топшириғи билан ҳисоботларга имзо қўйганлигини, озиқ-овқатни ким талон-тарож қилган бўлса, ўша пулларни тўлаб берганлигини, юк хатига бухгалтер рақам берганлигини, А.Латипов топширгани учун, у эса қабул қилгани учун имзо қўйганлигини, юк хатига дастлаб раҳбар рухсат бериб имзо қўйиб берганлигини, кейин у имзо қўйганлигини, раҳбар имзо қўймагунига қадар имзо қўймаганликларини, дастлаб, раҳбар, сўнг бош ҳисобчи, кейин улар имзо қўйганликларини билдириб кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ О.Соатова, Когон шаҳар прокуратурасида холис сифатида иштирок қилганлигини, терговчи прокуратура биносига чақириб,



хужжатга қўл қўйишни сўраганлигини, қандай хужжат эканлигини айтмаганлигини, ўқимасдан имзо қўйганлигини, ҳолатни тўлиқ эслай олмаслигини, бирор жойга бормаганлигини, прокуратура биносида доимий асосда ишловчи хизматчи эканлигини, олдида холис сифатида ундан бошқа ҳеч ким бўлмаганлигини, терговчи тақдим қилган хужжатда нималардир ёзилган бўлганлигини, аммо уни ўқимаганлигини, хужжат нима ҳақида эканлигини айтмаганликларини, илгари бошқа ҳолатларда холис сифатида имзо қўймаганлигини, битта қоғозга имзо қўйганлигини, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмаганлигини, миллати ўзбек, маълумоти ўрта эканлигини, ўқишни ва ёзишни билишини, унга Дадахон исмли терговчи хужжатга имзо қўйдирганлигини, терговчини танигани учун қандай хужжатга имзо қўйганини сўрамаганлигини, терговчи билан юзлаштирилганида ҳам шу кўрсатувни бера олишини билдириб кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ Ф.Қудратов, бугунги кунда Олий судга ишга кириш учун хужжат топширганлигини, Когон шаҳар ИИБ ва Когон шаҳар прокуратурасида амалиёт ўтаганлигини, 20-сон ЖИЭКда холис сифатида иштирок этганлигини, унда колонияда мавжуд бўлган 7-8 та машинадан 3-4 тасида қўлбола ускуна борлиги аниқланиб, уларнинг олинган ҳолатини гувоҳи бўлганлигини, кўздан кечириш жараёнида ҳам бўлганлигини, ундан бошқа яна 1 та холис бўлганлигини, машина ёқилганида унинг спидометри турган жойида кўтарилганлигини кўрганлигини, 3-4 та машинадан қўлбола ускуналар бир вақтда олинганлигини, бу жараён видеотасвирга олинганлигини, ускуналар олинганидан сўнг прокуратурага олиб кетилганлигини, ўша пайтда тузилган баённомага имзо қўйганлигини, ускуна қандай ҳолатда олиб кетилганини эслай олмаслигини, далолатнома тузилганилигини билишини, ҳодиса жойида бевосита иштирок этганлиги ва ҳолатни ўз кўзи билан кўрганлигини билдириб кўрсатув берди.

Судланувчилар К.Ҳайдаров, А.Нуруллаев ва Р.Шароповлар гарчанд ўз айбларига иқроор бўлмасалар-да, уларнинг айби О.Шароповнинг аризалари, 2021 йил 29 январдаги Бухоро вилоят ИИБ П ва ЖИЭБ 20-сон ЖИЭКда алоҳида саволлар юзасидан ўтказилган хужжатли текширув умумий далолатномаси ва унга илова қилинган хужжатлар, 2019-2020 йилларда назорат ўтиш жойи хужжатларида мавжуд бўлмаган ҳамда рўйхатга олиш китобида қайд қилинмаган юк хатлари тўғрисидаги маълумотлар ва уларга иловалар, “Ўзнефтгазинспекция” Бухоро вилоят ҳудудий бўлимининг 2021 йил 30 январдаги ва 2021 йил 18 мартдаги ўрганиш



далолатномалари ва иловалар, 2020 йил 25 декабрдаги автомашинани кўздан кечириш ва қўшимча ускуналарни олиб қўйиш ҳақида баённомалар, ҳужжатли тафтиш хулосаси ва далолатномаси ҳамда уларга иловалар, 2021 йил 20 апрелдаги олиб қўйиш баённомаси ва олиб қўйилган ҳужжатлар, ёнилғи маҳсулотларнинг йиғма жилдлари, етказилган зарарларнинг қопланганлиги тўғрисида тўлов чипталари, 2021 йил 1 апрелдаги К.Хайдаров ва Ҳ.Асатуллаев, К.Хайдаров ва Ш.Ядгаровларни юзлаштириш баённомалари, 2021 йил 28 апрелдаги ҳужжатларни кўздан кечириш баённомалари ва иловалар, 2021 йил 12 апрелдаги О.Шаропов ва А.Латиповларни юзлаштириш баённомаси, 2021 йил 13-15 апрелдаги А.Нуруллаев ва О.Шаропов, А.Нуруллаев ва А.Латиповларни юзлаштириш баённомалари, К.Хайдаров ва О.Шаропов, Р.Шаропов ва О.Шароповларни юзлаштириш баённомалари, 2021 йил 26 апрелдаги хронометраж далолатномаси, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Шунингдек, судлов ҳайъати, судланувчилар К.Хайдаров, А.Нуруллаев ва Р.Шароповларнинг уларга нисбатан эълон қилинган сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини ички омборга олиб кирилганлиги тўғрисида сохта ёзувлар киритилиб, аслида таъминотчи корхоналар томонидан етказилган 37.650.400 сўмлик маҳсулотни колонияга олиб кирмасдан, уларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиш билан боғлиқ айбловнинг асоссиз эканлиги мазмунидаги важларини муҳокама қилиб, ушбу важлар ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмайди деб ҳисоблаб, уларни иш юзасидан тўпланган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ инкор қилинади деб ҳисоблайди.

Жумладан, Когон шаҳар прокуратурасининг 2020 йил 6 декабрдаги №15/82ж-2020-сонли хати ҳамда Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг 2020 йил 18 декабрдаги 43/63-сонли ваколатномасига асосан фуқаро О.Шароповнинг шикоят аризаси бўйича 2021 йил 29 январда Бухоро вилоят ИИБ П ва ЖИЭБ 20-сон ЖИЭКда алоҳида саволлар юзасидан ўтказилган ҳужжатли текширув умумий далолатномаси тасдиқланган.

Унга мувофиқ, тақдим этилган ҳужжатларга асосан озиқ-овқат маҳсулотларини 20-сон ЖИЭК ички ҳудудига олиб ўтиш учун Бухоро вилоят 7532-сонли ҳарбий қисмга қарашли НУЖда тақдим этилган юк қоғозлари билан 20-сон ЖИЭК томонидан олиб ўтилган озиқ-овқат маҳсулотларининг юк қоғозлари солиштирилиб текширилганда жами 37.650.460 сўмлик юк қоғозлари 7532-сонли ҳарбий қисм томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд эмаслиги ҳамда транспорт воситаларини



рўйхатга олиш китобида юк қоғози рақамининг қайд қилинмаганлиги, бухгалтерия ҳисоботларига тақдим этилган юк хатларига ўзгартириш киритиб ёзилганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, ушбу ҳолат Бухоро вилоят ИИБ П ва ЖИЭБ 20-сон ЖИЭКда 064033/2021-2VV сонли жиноят иши юзасидан ўтказилган ҳужжатли тафтиш хулосаси билан ҳам ўз тасдиғини топган.

Фуқаро О.Шароповнинг шикоят аризаси юзасидан ўтказилган, 20-сон ЖИЭКда омборхона мудир лавозимида ишлаган А.Латипов дастлабки тергов давомида Ш.Рахмонов номига ёзган тушунтириш хатида "... аризачи ўз аризасида киритилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари экс эттирилган юк хатларини кўрсатганлиги сабабли таъминот бўлими бошлиғи ва раҳбар ундан ҳақиқатда кирмаган юк хатларини янгитдан ёздириб олганганликлари" ҳақидаги тушунтириш берган.

Ўз навбатида, апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ О.Шаропов, "... 2019 йил 16 августдаги 623-сонли, 7 сентябрдаги 748-сонли, 559-сонли, 11-сентябрдаги 700-сонли, октябрдаги 813-сонли, 23-декабрдаги 974-сонли юк хатлари асосида озиқ-овқатлар аслида олиб кирилмаганлиги, аммо уларга олганлиги тўғрисида имзо қўйдирилганлиги, ўз навбатида, бу юк хатлари ҳарбий қисм йиғмажилдидан топилмаганлиги, бу юк хатларининг барчасида қабул қилувчи сифатида унинг имзоси қўйилганлиги, топширувчи сифатида А.Латипов имзо қўйганлиги, бу юк хатларига яна раҳбар ёки унинг ўринбосарлари ва бош ҳисобчи имзо қўйганлиги, К.Ҳайдаров мажбурлагани сабабли олмаган маҳсулотини олгани тўғрисида юк хати имзо қўйиб берганлиги, ... раҳбар ундан ташқи омбордаги маҳсулот қолдиғини камайтириш лозимлигини талаб қилганлиги, ... маҳсулотларнинг кирмаганлигидан Р.Шаропов ҳам А.Нуруллаев ҳам хабари бўлганлиги, чунки А.Нуруллаев кунлик қабул қилинган маҳсулот ҳақида Республикага ахборот берганлиги, Р.Шаропов ва А.Нуруллаевларга бу ҳолатлар ҳақида айтганида индамаганликлари, чунки раҳбар топшириғини бажарганликларини, У.Зокиров унга кам маҳсулот берилишидан шикоят қилиб келганлиги, ... маҳкумларга 10 кг маҳсулот бериши лозим ҳолатда 8 кг берганликлари, шунинг натижасида йўқ маҳсулотнинг ўрни қоплаб борилганлиги, У.Зокиров ҳам дастлаб шу мазмунда тушунтириш берганлиги, кейин кўрсатувларини ўзгартирганлиги, ... 559-сонли, 700-сонли, 813-сонли юк хатларини ўзи тўлдирганлиги, К.Ҳайдаров айтганлиги сабабли



бу юк хатларига ўзгартириш киритганлиги” ҳақидаги кўрсатувлар берди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ Ш.Ҳамроев,

“... текшириш якуни бўйича тузилган далолатномада 37 млн. сўмга яқин озиқ-овқат маҳсулотлари ички ҳудудга берилмаганлиги, бухгалтериядан чиқим қилинган юк хатлари билан назорат ўтиш жойидаги юк хатларининг бир бирига тўғри келмаслиги ёки мавжуд эмаслиги аниқланиб, талон-торож сифатида баҳоланганлиги, ... сентябрь ойларида А.Нуруллаев апрель ва июнь ойларидаги юк хатларини олиб кирганлиги, 4-5 ой илгари тузилган юк хатига имзо қўйиб беришни сўрганлиги, унга танишиб чиқиб имзо қўйишини айтгани ва масул ҳисобчисини чақириб тушунтириш беришни талаб қилганлиги, ҳисобчиси “А.Нуруллаев келиб, Аббосни чақириб, ҳисобчисидан апрель ва июнь ойларидаги “склад чист” ҳисоботларини олиб чиқиб беришни сўраганлиги, олиб чиққанидан сўнг Аббосдан юк хатидаги ёзув кимники эканлигини сўраганлиги, унга Шамсияни ёзуви эканлигини, А.Нуруллаев Аббосга “ўзидек қилиб ёзгин” деб топшириқ берганлиги” ҳақида айтганлиги, А.Нуруллаев ўша юк хатларини унга олиб кирганлиги, имзо қўйишни рад қилганида раҳбар К.Ҳайдаров қўнғироқ қилиб, Анвар олиб кирган ҳужжатларга имзо қўйиб беришни талаб қилганлиги, унга ҳужжатларни ўрганиб чиқиб имзо қўйишни айтганлиги, бухгалтерияга кириб, Аббосдан нега бунақа ноқонуний ишларни қилаётганлигини сўраганида, унга А.Нуруллаев ва раҳбар топшириқ бериб, “ишинг бўлмасин” деб айтганлигини маълум қилганлиги” ҳақидаги кўрсатувлар берди.

Бундан ташқари, судлов ҳайъати судланувчи К.Ҳайдаровнинг ёнилғи маҳсулотларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ва мансаб сохтакорлиги жиноятларини содир қилмаганлиги мазмунидаги важларини муҳокама қилиб, уларни иш юзасидан тўпланган далиллар йиғиндиси, жумладан:

- 2021 йил 29 январдаги Бухоро вилоят ИИБ П ва ЖИЭБ 20-сон ЖИЭКда алоҳида саволлар юзасидан ўтказилган ҳужжатли текширув умумий далолатнома ва 2021 йил 30 январдаги “Ўзнефтьгазинспекция” Бухоро вилоят ҳудудий бўлимининг 2021 йил 30 январдаги ва 2021 йил 18 мартдаги ўрганиш далолатномаларига мувофиқ, ўтказилган текширув давомида 54.598.200 сўмлик 9748 литр/7635 кг нефть маҳсулотлари ёўл варақаларига босиб ўтилмаган йўл масофаларини қўшиб ёзиш ҳисобига ҳисоботлардан асоссиз вишда нотўғри чиқим қилинганлиги, 1170 литр нефть



маҳсулотлари асоссиз равишда автотранспорт воситаларининг бак сиғимидан ортиқча кўрсатилганлиги аниқланганлиги;

- “Ўзнефтьгазинспекция” Бухоро вилоят ҳудудий бўлимининг 2021 йил 16 мартдаги Бухоро вилоят ИИБ ЖИЭБга қарашли Когон шаҳридаги 20-сонли колонияда нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш ва ҳисобини тўғри юритиш қоидаларига ҳамда автотранспорт ва механизмлар томонидан бажарилган иш ҳажмларига ёнилғининг белгиланган меъёрий сарфига риоя қилиниши юзасидан таўқдим қилинган ҳужжатлар бўйича ўтказилган текшириш якунига кўра тузилган, нефть маҳсулотлари асоссиз ҳисобдан чиқарилганлиги аниқланганлиги ҳақидаги оралиқ далолатнома ва унга илова қилинган 11.032021 йилдаги хронометраж ва ҳар бир автомашина бўйича тайёрланган автобензин миқдорлари тўғрисидаги маълумотномалар;

- мазкур иш бўйича судланган Ҳ.Асатуллаевнинг дастлабки тергов давомидаги “ҳисоботларга сохта маҳсулотлар киритилиши натижасида ҳар ойда 300 литрдан ортиқроқ дизел ёнилғиси 20-сонли ЖИЭК автоҳўжалик омборхонасининг ёнилғиларни сақлаш хонасида тўпланиб қолиб, ушбу ёнилғилар харидорларга сотиб келинганлиги, сотилган ёнилғиларнинг суммаси тахминан 2 млн. сўм атрофида бўлганлиги, ушбу пулларни ҳар ойлик ҳисоботларни топшириш пайтида колония раҳбари К.Ҳайдаровга етказганлиги, тахминан 20 ой давомида 35-40 млн. сўм пулларни колония раҳбарига киритиб берганлиги” мазмунидаги кўрсатувлари ҳамда апелляция инстанциясида баён қилган “... юк машиналарига ажратилган ёнилғининг бир қисми енгил автомашиналарга қўйилиб, уларнинг босиб ўтган масофаларини мосламалар орқали сунъий равишда кўпайтириб ҳисоботларнинг тўғри юритилиши таъминлаганлиги, ... К.Ҳайдаровнинг барча ҳолатлардан хабари бўлганлиги” мазмунидаги кўрсатувлари;

- апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ Ш.Ядгаровнинг “... автобуга Ҳ.Асатуллаев томонидан қўлбола мослама қўйилганлиги,

у қурилма масофани сунъий кўпайтиришга хизмат қилганлиги, кўпайтирилган қисми бўйича ёнилғи олмаганлиги, ҳар куни 17 литр олдим деб имзо чекиб берганлиги, аммо 10 литр ёнилғи олганлиги,

... К.Ҳайдаров бу ҳолатлардан хабардор бўлган бўлиши мумкинлиги” мазмунидаги кўрсатувли;

- апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ Ш.Ҳақимовнинг



“... Ҳ.Асатуллаев уларга спидометрни олдинга айлантириш бўйича топшириқ берганида унга ҳам буйруқ бўлгани айтганлиги, ... Ҳ.Асатуллаев уларга бу ёнилғи камомади юзасидан Анварнинг ҳам, К.Ҳайдаровнинг ҳам хабари борлигини айтганлиги” мазмунидаги кўрсатувлари;

- апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ Ф.Қудратовнинг

“... 20-сон ЖИЭКда холис сифатида иштирок этганлиги, унда колонияда мавжуд бўлган 7-8 та машинадан 3-4 тасида қўлбола ускуна борлиги аниқланиб, уларнинг олинган ҳолатини гувоҳи бўлганлиги, машина ёқилганида унинг спидометри турган жойида кўтарилганлигини кўрганлиги, 3-4 та машинадан қўлбола ускуналар бир вақтда олинганлиги” мазмунидаги кўрсатувлари;

- 2020 йил 25 декабрдаги автомашиналарни кўздан кечириш ва қўшимча ускуналарни олиб қўйиш ҳақидаги баённомалар ва уларга илова қилинган автомашиналар рўйхати, далолатномалар ва апелляция инстанцияси ташаббуси билан талаб қилиб олинган, ушбу қўлбола ускуналарнинг ишлатилиши ва олиб қўйилиши жараёни акс этган видеотасвирлар ва бошқа далилар йиғиндиси билан тўлиқ инкор қилинади.

Ўз навбатида, апелляция инстанцияси судланувчилар К.Ҳайдаров, А.Нуруллаев ва Р.Шароповларнинг моддий жавобгар шахс бўлмаганликлари, улар билан моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузилмагани боис, асосиз равишда жавобгар бўлаётганликлари ҳақидаги важларини таҳлил қилиб қуйидагиларни аниқлади.

Бухоро вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Ш.Алиев томонидан 2021 йил 5 январда тасдиқланган “Бухоро вилоят ИИБ ЖИЭБ 20-сон жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг хизмат вазифалари”га мувофиқ колонияга берилган пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш колония бошлиғининг асосий хизмат вазифаларидан бири ҳисобланади, шунингдек колония бошлиғи колония ишини ташкиллаштиришда ўзининг зиммасига юклатилган масалаларни тўла ҳажмда ҳал қилишда ва ишларни сифатига, шахсий таркибнинг интизомига, хизматдаги сақлаш режимига риоя қилиш борасидаги масалаларига шахсий жавобгарлик беради.

Шунингдек, 20-сонли колония бошлиғи томонидан 2021 йил 1 январда тасдиқланган “Колония бошлиғининг умумий масалалар бўйича ўринбосари хизмат вазифалари”га кўра Р.Шароповга колониядаги озиқ-овқат ва ёқилғи маҳсулотларини, буюмларини, жиҳозларини инвентар ва товар-

ддий бойликларини сақлаш шароитларини таъминлаб



назорат қилиш, хўжалик ва моддий-техник таъминот бўлими ходимлари хизмат вазифаларини бажаришларини назорат қилиш юклатилган.

Шу билан биргаликда, 20-сонли колония бошлиғи томонидан

2021 йил 1 январда тасдиқланган “ЖИЭК хўжалик ва моддий-техник таъминоти бўлими бошлиғининг хизмат вазифалари”га кўра А.Нуруллаевнинг зиммасига ошхона озиқ-овқат омбори ва полиз маҳсулотлари сақланадиган омбор, ҳисобот ишларини олиб бориш устидан раҳбарлик қилиш ва уларни касб маҳоратларини оширилишини таъминлаш мақсадида улар билан машғулотлар олиб бориш юклатилган.

Қолаверса, колония бошлиғи томонидан ҳар йилнинг бошида чиқариладиган (масалан 01.01.2019 йилдаги 21-сонли, 01.01.2020 йилдаги 29-сонли ва ҳоказо) буйруқларга асосан колония омборхонасига олиб келинаётган моддий товар-бойликларни, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ҳужжатлар асосида қабул қилиш ҳамда оқилона фойдаланишни ташкил этиш, камомоадлар, самарасиз харажатлар ва исрофгарчиликни олдини олиш учун масъул бўлган ҳайъат таркиби тузилган бўлиб, Р.Шаропов ушбу ҳайъатнинг раиси, А.Нуруллаев эса ҳайъат аъзоси сифатида киритилганлар.

Бундай ҳолатда, суд, судланувчи К.Хайдаров, Р.Шаропов ва А.Нуруллаевлар билан тегишли тартибда уларнинг моддий жавобгарликлари тўғрисида алоҳида-алоҳида шартномалар тузилмаган бўлса-да, ўзларининг хизмат вазифаларига кўра К.Хайдаров бутун колония учун, Р.Шаропов ва А.Нуруллаевлар ўзларининг йўналишлари ва қўл остиларидаги бўлимлар фаолияти учун масъул, жавобгар бўлганлар деган хулосага келади.

Судлов ҳайъати судланувчи К.Хайдаров ва унинг адвокати М.Камаловларнинг жиноят ишидан четда қолиб кетган 20-сон ЖИЭКда моддий жавобгар шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ЖПКнинг 417-моддаси тартибида ҳал қилиш борасидаги важларини муҳокама қилиш давоми қуйидагиларни аниқлади.

Судланувчи К.Хайдаров ва унинг адвокати М.Камаловлар томонидан келтирилган шу мазмундаги илтимосномалари юзидан жиноят ишлари бўйича Когон туман судининг 2021 йил 30 июлдаги ажрими қабул қилиниб, унга мувофиқ 20-сон ЖИЭКда моддий жавобгар ҳисобланган бошқа шахсларни жиноят иши доирасида айблаш масаласини муҳокама қилиш белгиланган, ижро қилиш учун Когон шаҳар прокуратурасига топширилган.



Қўшимча тергов ҳаракатларининг холислигини таъминлаш мақсадида ажрим ижросини таъминлаш вилоят прокуратурасига ўтказилган.

Ажрим ижроси юзасидан вилоят прокурорининг ўринбосари Б.Камолов томонидан тасдиқланган жиноят ишининг бир қисмини ҳаракатдан тугатиш ҳамда бир қисмини ҳаракатдан тугатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор асосида ўтказилган қўшимча суриштирув ишлари натижасида 20-сонли ЖИЭК бошлиғи ўринбосари Б.Хайруллоев, бош ҳисобчи О.Ҳамроев, бухгалтерия ходимаси А.Аминова, бош шифокор Б.Жумаев, ҳайдовчи Х.Бобоқулов, назорат комиссияси аъзолари тезкор қидирув бўлими бошлиғи Х.Хусниддинов, тезкор вакил С.Отаев, фтизиатор шифокор Ш.Очиловларинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли ишнинг уларга нисбатан бўлган қисмлари ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган.

Ўз навбатида, апелляция инстанцияси дастлабки тергов органининг мазкур қарори билан тўлиқ келишади.

Шунингдек, апелляция инстанцияси суди гувоҳ О.Соатованинг у холис бўлиб ўтганлигини билмаганлиги, чунки унга холисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмаганлиги, шунчаки терговчи айтган ҳужжатларга имзо қўйиб берганлиги ҳақидаги кўрсатувларини баҳолаб, бошқа бирор-бир далил билан тасдиқланмаганлиги ва иш ҳолатларига тўғри келмаслиги сабабли уларни ишончга сазовор эмас деб топиб, юқорида бирма-бир келтирилган далиллар мажмуи билан рад қилади.

Апелляция инстанцияси биринчи босқич суди судланувчи К.Ҳайдаровнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

167-моддаси 2-қисми “а,в,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилган ҳамда унга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи барча ҳолатларни эътиборга олиб, қонун санкцияси доирасида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ ишларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси билан бир қаторда жарима жазоси тайинлаб, шунингдек судланувчилар Р.Шароповнинг ҳаракатларини ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан ҳамда А Нуриллаевнинг ҳаракатларини ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди ва 28,209-моддаси 1-қисми билан



квалификация қилиб, уларнинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва моддий аҳволларини, жиноят содир қилишдаги ролларини инобатга олиб, ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилиб, тўғри ва асосли хулосага келган деб топади.

Баён қилинганларга кўра, судлов ҳайъати, биринчи босқич суди ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497², 497^{17,18,26}-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорига амал қилиб, апелляция судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бухоро туман судининг 2022 йил 26 январдаги К.Хайдаров, Р.Шаропов, А.Нуруллаев, Ҳ.Асатуллаев ва А.Латиповларга оид ҳукмининг Хайдаров Камариддин Кудратович, Шаропов Рустам Амонович ва Нуруллаев Анвар Одировичларга оид қисми ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари қаноатлантirmасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи: имзо

Ш.Қувватов

Ҳайъат судьялари: имзо

Ш.Тўхтаев

имзо

З.Қурбонов

Нусхаси аслига тўғри.

Раислик қилувчи:

Ш.Қувватов

Маърузачи: Қувватов Шавкат Чориевич

